БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 19 декабрь Чоршанба
№ 242 (13.678).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ССЖИ Халқ депутатларининг IV съездида



СУРАТДА: Москва. Кремль. Съездлар саройи. ССЖИ Президенти, КПСС Марказий Қўмитасининг Бош котиби М. С. Горбачев, Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов ва Қозоғистон ССЖ Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Н. А. Назарбоев.

Суратчи: Р. ЖУМАНИЁЗОВ. (ЎзТАГ).

КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

Анжуман очилиш арафасида эса, Ўзбекистондан съездга келган ССЖИ халқ депутатлари юзага келган вазиятга мувофиқ умумий муаммоларни гаплашиб олиш, Кремлда бўладиган иш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашиш, қандай иш олиб боришларини аниқлаб олиш мақсадида жумҳуриятимизнинг доимий ваколатхонасида йиғилдилар.

Жумҳурият Президенти, ССЖИ халқ депутати И. А. Каримов олиб борган бу учрашувда Ўзбекистон сайловчиларининг юзга яқин вакили қатнашди. Президент съездда қабул қилиниши керак бўлган қарорлар Ўзбекистон учун жуда катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, жумҳурият раҳбарияти ижтимоий-иқтисодий аҳволни соғломлаштириш ва барқарорлаштириш, бозор муносабатларига иложи борича оғриқсиз ўтишни таъминлаш — аҳолига, энг аввало ҳозирги вақтда жумҳуриятимизда яшаётган кишиларнинг деярли ярмини ташкил этадиган камбағал табақаларга мумкин қадар зарар етказмаган ҳолда ўтиш учун амалга ошираётган тадбирлар, ишларнинг аҳволи хусусида депутатларга батафсил ахборот берди.

Учрашувда йиғирма миллионли Ўзбекистон халқидан вакил бўлиб келган халқ депутатлари ҳозирги жуда суст йўл тута олмасликлари, ниманидир кутиб ўтирмай, съездда ўз сайловчиларининг умид ва ишончларини иш билан оқлашга, уларнинг манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилишга мажбур эканликларини айтдилар. Ўзбекистон депутатлари кун тартибидаги ҳар бир банд юзасидан айтишга арзийдиган гаплар бор. Сўз берилган ҳар бир киши ўз нутқида жумҳуриятимиз меҳнаткашларининг, унинг барча кўп миллатли аҳолисининг ҳаётий манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган аниқ, амалий йўлни ифодалашни мўлжаллаши лозим.

Мамлакат парламентида депутатларни алмаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Марҳаматда болалар санаторийлари

Деҳқончилик-саноат комплекси ходимлари касаба уюшмасининг ташаббуси билан ва шу уюшма маблағи ҳисобидан Андижон вилоятида очилган санаторий типидаги 500 ўринли «Баҳор» хўжаликлараро кашшофлар манзилгоҳи йил давомида ишлашга мўлжалланган. Камқонлилик, сурункали юрак-қон-томир касалликлари, нафас олиш ва ҳазм қилиш аъзолари хасталиклари ва бошқа касалликларга чалинган бешинчи-саккизинчи синф ўқувчилари бу ерда ҳар томонлама тиббий-ёрдам оладилар, кучли овқат билан таъминланадилар.

Бу ерда болалар учун ўқув хоналари, шинам ва иссиқ ётоқхоналар, ўйин хоналари, спорт майдончалари бор. Уларга 112 киши — шифокорлар, тарбиячилар ва ўқитувчилар хизмат қилади.

Битта йўлланманинг нархи — 156 сўм. Лекин бемор болаларнинг ота-оналарига бу йўлланмалар бепул берилади — бунда сарф-харажатларни жамоа ва давлат хўжаликларининг, қайта ишлаш саноати корхоналарининг касаба уюшмалари ўз зиммаларига оладилар. Бу ердаги ходимларга маош тўлаш, кучли овқат билан таъминлаш учун ҳам маблағ тармоқ касаба уюшмалари вилоят қўмитаси ва колхозчиларнинг ижтимоий суғурта қилиш марказлаштирилган жамғармасидан олинади.

«Баҳор» кашшофлар манзилгоҳи Марҳамат ноҳиясидаги «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалигининг хушманзара бурчагида жойлашди. Бу ерда илгари 250 ўринли жамоа хўжаликлараро ёзги кашшоф манзилгоҳи бор эди. Энди бу манзилгоҳ тамомила қайта жиҳозланди.

Йил давомида ишлайдиган манзилгоҳнинг уч гектарлик узумзори, олма боғи, ёрдамчи хўжалиги бор. Ёрдамчи хўжаликда ўттиздан зиёд соғин сигир боқилмоқда.

Андижон вилоятида санаторий типидаги бошқа манзилгоҳлар ҳам бунёд этилади.

К. НИЗОМОВ,

Долзарб мавзу

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни жумҳуриятимиз аҳолисини шошириш билан бирга, ташвишга ҳам солиб турибди. Айниқса, кундалик харид молларининг танқислиги турли миш-мишларни келтириб чиқармоқда.

Хўш, инсоннинг ҳаёти учун энг зарур ҳисобланган нон ва ун маҳсулотлари таъминоти бундан буён қандай бўлади? Ноннинг нархи ошадими, йўқми? Яқинда мухбиримиз Ўзбекистон дон маҳсулотлари вазири Абдулхошим МУТАЛОВ билан суҳбатлашиб, ана шу саволларга батафсил жавоб олди:

НОН ҚИММАТЛАШМАЙДИ

— Жумҳуриятимиз аҳолисини ун билан таъминлаш вазирлигимиз ва унга қарашли корхоналарнинг муқаддас вазифаси бўлиб турибди. Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш жараёнида биз қатор тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдамиз. Айниқса, донни қайта ишлаш корхоналари халқ олдидаги бурчларини тўғри тушунмоқдалар. Бунинг учун корхоналарда ишлаб чиқариш унумдорлиги янада ортмоқда. Қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, техника ремонти ва қайта жиҳозлаш муддатларини қисқартириш ҳисобига йил охирига қўшимча 129 минг тонна ун, 5 минг тонна ёрма, 2600 тонна нон маҳсулотлари, 4000 тонна унли қандолат ҳамда 3000 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Қардош Қозоғистон жумҳурияти бизни дон билан таъминлашга ваъда берди. Дастлабки ғалла келтирилиб, омборларга тўкилди.

Қўрғонтепа шаҳрида бир кеча кундузда 500 тонна ғаллани қайта ишлаб берадиган янги тегирмон яқин кунларда ишга тушади. Фарғонанинг Бағдод посёлкаси ва Жиззахнинг Дўстлик шаҳрида ҳам келгуси йилда янги тегирмонларни ишга тушириш тадбирлари кўрилмоқда. Мақсадимиз катта тегирмонлар билан бир қаторда халқимиз унутиб юборган қадимги кичик тегирмонларни ҳам ишга туширишдир. Шундай қилмоқ кераккки, ҳар ким ўз донини узоққа бормай, ун қилиб олиш имкониятига эга бўлсин.

Жумҳуриятимиз аҳолисини узлуксиз равишда дон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида йил бошидан бери четдан 330 минг тонна ун, 49 минг тонна ёрма маҳсулотлари келтирилган эди. Йил охиригача эса 50 минг тоннадан ортиқ ун келтирилади. Ғалла ортган вагонлар жумҳуриятимиз томон йўл олди.

Иттифоқ Вазирлар Кенгашининг қарорига биноан келгуси йил биринчи чорагида ташқаридан 114 минг тонна ун келиши кўзда тутилган. Жумҳуриятимизнинг 13 та тегирмони асосан биринчи нав ун ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар ишлаб чиқариш суръатларини янада оширишга имконият яратади.

Нон маҳсулотларини халққа тез ва қулай тарзда етказиб бериш мақсадида «Иссиқ нон» корхона-дўконлари, кичик новвойхоналар тармоғи (қаҳвахоналар билан) ишга туширилмоқда.

Хорижда ва ватанимизда ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланган кичик новвойхона ва дўконларни қуриш аҳоли учун ғоят қулайдир. Бундай корхоналар сони ҳозир 9 тага етди. Йил охирига бориб ҳар шаҳар ва қишлоқларда ана шундай дўконлар ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Аҳолининг макарон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида шу йил Тошкент булка-қандолат комбинатида Италиядан келтирилган янги, юқори унумли «Брайбанти» ускунаси муддатидан уч ой олдин ишга туширилди. Бу эса шаҳримиз ва жумҳуриятимиз аҳолиси 2000 тоннага яқин макарон маҳсулотларини қўшимча тарзда олиш имконига эга бўлади деган сўз. Янги йилда Фарғонанинг Қува ҳамда Қашқадарёнинг Яккабоғ шаҳарларида ҳам ана шундай макарон цехлари ишга туширилади.

Халқ тўғрисида ўйлаш, унинг тўқ яшашини таъминлаш — муқаддас бурчимиздир. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши 1990 йилнинг 9 августида қабул қилган «Ўзбекистонда ун, ёрма, омухта ем ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришни жадаллаштириш ҳақида»ги қарори буни исботлайди. Мазкур қарорда 1991—1995 йиллар мобайнида ун ишлаб чиқарадиган 23 та янги корхона қурилиши кўзда тутилади. Шу йилнинг ўзидаёқ Шаҳрисабз, Ғузор, Урганчда ва Тошкент вилоятининг Бинокор посёлкасида ана шундай корхоналар қурилиши бошлаб юборилди.

Шунингдек, қарорда ишлаб турган тегирмонларни кенгайтириш, нон заводларини техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш таъкидлаб ўтилган.

Суҳбатимиз сўнгида халқимизни ташвишлантириб турган саволга жавоб бермоқчиман: жумҳуриятимиз раҳбарияти мавжуд ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, нон ва ун маҳсулотларининг нархини оширмайдиган бўлди. Халқимиз ортиқча таҳликага тушмасин, чунки нон ва ун сероб бўлади.

П. НИШОНОВ.

Биринчи саҳифага мактуб

Шахсий шажаримизни яратайлик

Шажара арабча сўз бўлиб (маъноси «дарахт»), кишиларнинг келиб чиқиши, аждодлари ва қон-қардошлик алоқаларини исботлайдиган ҳужжат, баъзан насабнома ҳам дейилади.

Туркистонда хўжалар, саидлар ва бошқа имтиёзли табақа вакилларининг шажаралари — насабномалари бўлган; бу ҳужжатлар уларнинг пайғамбар, саҳобалар, олиқ-солиқдан озод қилинган тархонлар, шунингдек, беклар наслидан бўлганлигини тасдиқлаган.

Таниқли шоира ва фольклорчи олим Музайяна Алавиянинг бир вақтлар айтган гапларига қараганда, Алавийлар сулоласининг шажараси то Муҳаммад пайғамбарга бориб тақалар ва муҳрлар босиб тасдиқланган шажара қоғозининг узунлиги икки метр келар экан. Баъзан кишилар ўзларининг ўтмишларини идеаллаштириш учун сохта шажара ясаганлар. Уруғ ёки қабила аъзоларининг насл-насаб дафтарлари ҳам шажара ҳисобланади. Шахсий шажаралар бора-бора уруғ-қабилалар шажарасига қўшилиб кетган ҳоллар ҳам бўлади.

Туркистон халқлари, чунончи туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар камида 7 аждодларигача билганлар. Етти бобосини билмаганлар гумроҳ, яъни йўлдан озган деб ҳисобланган ва қул деб камситилган. Масалан, ҳар қандай туркман 7 отасининг исми ёзилган ҳужжатни ёнига солиб юрган. Аслини олганда бу ёмон одат эмас. Ахир, зотли отлар, ҳатто итларнинг ҳам шажараси бўлади-ку! Селекцияда, ўсимлик ва ҳайвонларни чатиштиришда «шажара»нинг аҳамияти жуда катта.

Биз бўлсак, ота-бувамиздан бошқа аждодларимизнинг исми шарифларини умуман билмаймиз. Менимча, ҳар бир киши етти отасини сўраб-суриштириб оилавий шажарасини ёзиб қолдирса, ўзи учун ҳам, тарих учун ҳам кўп савоб иш қилган бўларди.

Мисол тариқасида мен ўз шажарамни келтираман: менинг отамнинг исмлари Мулла Қора, бувамизнинг исмлари Сарибой, у кишининг дадалари Уста Сотиболди, Уста Сотиболдининг оталари Эрназар, Эрназарнинг оталари Долой, Долойнинг дадалари Асан, Асаннинг оталари Эшқора, Эшқоранинг оталари Чопон (Хонкел чапани).

Сулола ота-боболаримиз кўп асрлар давомида амал қилиб келган араб антропонимик (от қўйиш) системасида айниқса ифодали ва ихчам чиқади: бунда юқоридаги шажара қуйидаги шаклни олади:

Суюн ибн Мулла Қора ибн Сарибой ибн Уста Сотиболди ибн Эрназар ибн Долой ибн Асан ибн Эшқора ибн Чопон (Хонкел чапани). Шажаралар кўпинча ана шу шаклда ёзиб қолдирилган.

Келинг, дўстлар, оилавий шажарамизни яратайлик.

Суюн ҚОРАЕВ.

ШИРКАТЛАРНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҚАТТИҚ НАЗОРАТ ОСТИГА ОЛИНСИН

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси 14 декабрь куни ширкатчиларга нақд пул бериш тартибини жиддий бузиш ҳоллари тўғрисидаги масалани муфассал кўриб чиқди. Ширкатларга қарз-ҳисоб-китоб хизмати кўрсатишни тартибга солиш юзасидан илгари қарорлар қабул қилинганига қарамай, ССЖИ уй-жой-ижтимоий банки, ССЖИ саноат-қурилиш банки, ССЖИ деҳқончилик-саноат банки, ССЖИ Давлат банкининг Ўзбекистон жумҳурият банклари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар бўлмагани таъкидланди. Бу ерда ҳануз ширкатларга нақд пул бериш тартибининг жиддий бузилишига, бу пуллардан бошқа мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилмоқда.

Тошкент вилояти уй-жой-ижтимоий банкининг Чирчиқ бўлими, Қорақалпоғистон МССЖ деҳқончилик-саноат банкининг Манғит бўлими, ССЖИ саноат-қурилиш банкининг Советобод бўлими ва бошқа кўпгина банкларда ширкатларнинг сўровлари билан декларацияда кўрсатилган маблағ миқдори солиштириб кўрилмасдан, баъзи ҳолларда эса декларацияни талаб ҳам қилмасдан ширкатларга иш ҳақи учун пул берилган. Кўпгина ҳолларда ширкатлар иш ҳақи тўлаш учун пул олиб, ундан хом ашё, материаллар сотиб олиш ва бошқа турли харажатлар учун фойдаланмоқда.

Банкларнинг қарз олиш шартномаларини тузишга расмиятчилик билан муносабатда бўлиши ширкатларни халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ва аҳолига хизмат кўрсатишга эмас, давлат корхоналари ва ташкилотлари буюртмаларини бажаришга йўлламоқда.

Вазирлар маҳкамасининг мажлисларида таъкидланганидек, буларнинг барчаси жумҳуриятдаги пул муомаласининг ёмонлашиши ва пул чиқаришнинг кўпайишига салбий таъсир қилибгина қолмай, шу билан бирга меҳнаткашларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси вужудга келган аҳволдан келиб чиқиб, ширкатларга қарз бериш билан шуғулланувчи банк ва молия идораларининг фаолиятини тартибга солиш юзасидан бир қанча амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Бу чора-тадбирлар ширкатлар молия-қарз олиш фаолиятидаги вазиятни нормаллаштириши, турли салбий ҳолатларнинг кучайишини тўхтатиши керак. Вазирлар маҳкамаси 1991 йил 1 чорагининг якунлари чиқарилганда бу масалага қайтишга қарор қилди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси мажлисининг ишида жумҳурият вазирликларининг, идораларининг, вилоят ижроия қўмиталарининг, йирик саноат корхоналарининг, молия-қарз бериш муассасаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

СИЁСАТ ТЎҒРИСИДА ГАПЛАШАМИЗ

Олтинкўл ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг фирқа қўмитаси ҳузурида ташкил этилган янги сиёсий-мунозара клуби бозор иқтисодиёти бўсағасида қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида сиёсий ва иқтисодий таълимни юқорироқ даражага кўтариш, мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб боришда ёрдам бериши керак.

Клубда бошқарув аъзолари ва мутахассислар, бригада бошлиқлари ва ижарачилар катта қизиқиш билан шуғулланишмоқда. Олимлар, «Билим» жамиятининг маърузачилари улар билан суҳбатлар ўтказишмоқда, ваъзлар айтишмоқда.

АКТЁРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент шаҳридаги Киров номли маданият уйида «Ўзбекфильм» кино актёрлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Бу мулоқотда кўпгина бадиий ва ҳужжатли фильмлар ижодкори кинорежиссёр ва актёр Фарҳод Ҳайдаров ҳамда «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Карахтлик», «Таназзул алами» фильмларидан бизга яхши таниш бўлган истеъдодли санъаткор Зуҳриддин Режаметовлар иштирок этишди. Меҳмонлар йиғилганларга янги фильмларни суратга олиш санъати, қийинчиликлари ҳамда ўзлари яратган образлар ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

(ЎзТАГ мухбири).

«МУБОРАК» ШВЕЦИЯГА БОРАДИ

Келаси йил январида Швецияда бўладиган халқ ижодиёти халқаро фестивалига Ўзбекистондан Хоразм вилояти, Урганч ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг «Муборак» ашула ва рақс халқ дастаси боради.

Ижодий жамоа тасодифан шуҳрат қозонгани йўқ.

Бир неча йил муқаддам ташкил этилган бу даста томошабинларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Ҳаваскор артистлар доимий изланишда бўлиб, эски халқ куйларини, рақс ва қўшиқларини тиклашмоқда.

Дастага Хоразм фольклорининг чинакам ихлосманди ва билимдони Ҳасанбой Сатторов раҳбарлик қиляпти. Фестивалга даста жамоаси миллий санъатнинг чинакам намуналари билан боради. Турфа программага анъанавий ва замонавий қўшиқ ҳамда рақслар кирган, булар орасида машҳур Хоразм лапарлари ҳам бор.

Парижни нима билан ажаблантирса бўлади?

Франсуа Грюнд Ўзбекистон халқ жамоалари кўригидан сўнг: «Бизда бунақаси йўқ», — деб хулоса чиқарди. Париждаги жаҳон халқлари уйининг бадиий раҳбари, Шарқ оғзаки ижодининг билимдони бўлган бу аёл Ўрта Осиё минтақасидаги ҳаваскорларнинг ижоди билан танишиш учун жумҳуриятимизга махсус келган эди. Унга аниқ топшириқ берилганди: санъат бўйича олий Оврўпо қўмитасининг халқаро мусиқа кенгаши ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли» программасида қатнашиш учун ижрочиларни танлашни унга топширганди.

Франсуа Грюнд беш тилни билади, Шарқ уни ўз касби нуқтаи назаридангина эмас, айни вақтда шахсан қизиқтиради. Бунга унинг турмуш ўртоғи, асли арабистонлик Шариф Казнадар сабабчи бўлган. У Париждаги жаҳон халқлари маданияти уйини бошқаради. Санъатшунослик доктори, айни вақтда корчолон бўлган ўғли Карим ҳам ота-онаbooларининг ана шу йўлидан бормоқда.

— Ипак йўли фақат савдо қарвонларининггина эмас, ўзаро маданий ҳамжиҳатликнинг йўли ҳам бўлган, — дейди Франсуа хоним. — У миллий маданиятларнинг юксалишига кўмаклашган. Биз олис асрларнинг овози бугунги кунда ҳам янграшини истаймиз. Мен янги ёрқин номларни излаб жаҳон кезиб юраман, уларни турли мамлакатлар халқларига таништириш учун шундай қиламан.

— Бу сизни, айтайлик, ўзингизга нотаниш асбоблар жўрлигида қўшиқ айтиш ёки ғайритабиий либосларда рақсга тушиш, яъни соф шарқона ғаройиб оҳангларгина жалб этади, деган маънони билдирадими?

— Сафаримни оддий саёҳатга таққослашларини хоҳламасдим. Бундай саёҳат бир мақсадга қанчалик йўналтирилмаган бўлсин, барибир ўлка билан, унинг урф-одатлари билан юзаки танишасан. Аввалари кўрмаган нарсаларингни кўриб хайратга тушасан.


Ҳозир жумҳуриятимизда 200 га яқин халқ ижоди билан шуғулланадиган жамоалар бор. Бир неча кун ичида улар билан учрашишнинг имкони йўқ, бу равшан нарса. Халқаро, бутуниттифоқ ва жумҳурият кўрикларининг қатнашчилари бўлган энг яхши ижрочиларни кўздан кечирадиган бўлишди. Ўзбекистон Маданият вазирлиги франциялик меҳмон учун бир неча кўрик ташкил этди. Уларнинг бири «Баҳор» концерт залида бўлди. Бу ерга Тошкент шаҳрининг халқ бадиий ҳаваскорлик жамоаларигина эмас, қўшни жумҳуриятлар — Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон намояндалари ҳам тўпланишди. У Ғазалкентга сафар қилди. У ерда бувилардан ташкил топган «Гулёр» фольклор дастаси билан танишди. Бу даста ўз репертуарини қишлоқлардан тўпланган қадимий қўшиқлардан тузган. У шунингдек, Коммунистик ва Калинин ноҳияларидаги «Ҳосил» мақомчилар дастаси, «Муножот» ва «Саодат» фольклор дасталари билан танишишга муваффақ бўлди. Тўлқин Болтабоев бошлиқ дорбозлар ҳам ўз программаларини тақдим этишди.

Франсуа Грюнд хонимнинг Фарғона водийсига қилган сафари унинг таассуротларини янада кучайтирди. Ён дафтарида янги маълумотлар пайдо бўлди. У Қўқонда Марғилоннинг «Чодир жамол» дастаси программаси, дорбозлар гуруҳи, Бувайда ноҳиясида катта ашула ижрочилари, Жалолқудуқдаги «Наво» мақомчилар дастаси, Наманган ноҳиясидаги лапарчилар билан танишди. Меҳмон Самарқанд вилоятида бу ерга Хоразмдан келган «Оразбон», Бухоронинг «Моҳи ситора» фольклор жамоалари билан, Ургут ноҳиясидаги «Бешқарсак» ва «Паржун», Булунғурдаги «Чавки», Пастдарғомдаги «Дарғом наволари», Каттақўрғоннинг «Сарбоз» фольклор жамоалари ижросидаги концерт номерларини томоша қилди. Сурхондарёдан бу ерга келган «Бойсун» дастаси тоғли ўзбеклар ижодининг ўзига хос хусусиятларини намойиш этиб, парижлик аёлни ром қилди.

Франсуа хоним уччала ўзбек рақс мактаби — Фарғона, Хоразм, Бухоро мактаблари билан танишди. У бу мактабларнинг ҳаммаси мафтункор эканлигини таъкидлади: Хоразм рақслари ўзининг қалбларга ўт ёқувчи ҳарорати билан, Фарғона рақслари майин ва нафислиги билан, Бухоро рақслари қайроқларнинг овози-ю, ҳаракатларнинг сайқалланганлиги билан фарқ қилиб туради.

Франциялик меҳмонимизни аслида нималар ўзига кўпроқ жалб этди? Кўриклар умуман мусобақа тусида бўлмаса ҳам, бу кўрикларда Бувайда ноҳиясидан келган катта ашула ижрочилари, наманганликлар — лапарчи ва алла ижрочиси Ёқутхон Раҳматуллаева, маҳоратли доирачи Ҳошим Назаров, Калинин ноҳиясининг «Ҳосил» мақомчилар дастаси, «Бешқарсак» дастасининг яккахон раққослари Қурбон Саидмуродов ва Юсуф Ҳусаинов, тошкентлик чолғучи Ўразали Тошматов жуда юқори баҳо олишди. Грюнд хоним уларнинг чиқишларини суратга олди. Келаси йилнинг ёз фаслида ана шу халқ истеъдодлари ЮНЕСКО ҳомийлигида Франция, Бельгия, Швеция, Голландияда ўтказиладиган концертларда қатнашишлари керак. Дорбозлар қатнашиши ёки қатнашмаслиги тўғрисида кейинчалик хабар берилади — Франсуа бу ўринда кимни танлашни билолмай қолди.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА.



ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлиги иммунология илмгоҳи филиали 1986 йилдан бери Тошкентда фаолият кўрсатмоқда. Жумҳуриятимиздаги энг ёш илмий-текшириш идораси жамоаси 60 илмий ходим — фан докторлари ва номзодларидан иборат. Улар диққат-марказида доимо экология муаммолари ва аҳолининг саломатлиги ётади.

СУРАТДА: катта илмий ходим, биология фанлари номзоди Баҳодир Қосимов.

С. ВЕЛИЧКИН сурати. (ЎзТАГ).

ОИЛА ҲАМШИРАСИ

Ўрта Чирчиқ ноҳияси «Билим» жамияти ҳузурида хонадонлар учун ҳамширалар тайёрлайдиган уч ойлик курслар очилди. 120 нафар хотин-қиз қисқа вақт ичида беморларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ўзлаштириб олдилар.

— Бу ерда тажрибали шифокорлар ва катта ҳамширалар машғулот ўтказишади. Тингловчилар назарий билимларини касалхоналардаги амалий ишлари билан мустаҳкамлайдилар, — дейди ноҳия «Билим» жамиятининг масъул котиби Ш. Расулмуҳамедов. — Биз бу дарсларни кўпдан-кўп оилаларнинг илтимосига мувофиқ уюштирганмиз, уларда кўпинча бемор болаларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан муаммолар пайдо бўлиб туради. Пойтахт вилоятининг бошқа ноҳияларида ҳам хонадонлар учун ҳамширалар тайёрлайдиган дарслар ташкил этилади. Ноҳиялар «Билим» жамиятларининг хонадонларда ҳамширалар учун дарслар ташкил этишга доир иш тажрибасини баҳам кўриш учун тўпланган семинар қатнашчилари шундай қарор қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ

«Жумҳурият комсомол ташкилоти Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси аъзоларининг:

а) 80 фоизи Қорақалпоғистон жумҳурияти ва вилоят конференцияларида ёки кенгайтирилган пленумларида Ўзбекистон ЛКЁИ ташкилотлари аъзолари сонига қараб белгиланган вакиллар нормасига мувофиқ сайланади.

Вакиллар меъёри Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма пленуми томонидан белгиланади.

Шу тариқа сайланган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси аъзолари ваколати жумҳурият комсомоли съезди томонидан тасдиқланади. Съездлар ўртасидаги даврда улар ваколати Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссиясининг тегишли пленумлари томонидан тасдиқланади. Съездда қатнашаётган делегатларнинг ёки съездлар ўртасидаги даврда, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирдагина қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

б) 20 фоизи амалда бўлган Марказий Қўмита ва Марказий Назорат Комиссияси, улар томонидан ташкил этилган комиссиялар, съезд делегатлари томонидан кўрсатилган номзодлардан жумҳурият комсомоли съездида бевосита сайланади.

— Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва жумҳурият комсомол ташкилоти Марказий Назорат Комиссияси аъзоларини сайлаш съезд, конференция ёки кенгайтирилган пленум қарорига мувофиқ очиқ ёки яширин (ёпиқ) овоз бериш йўли билан сайланади. Съезд ишида қатнашаётган делегатларнинг ярмидан кўпи номзодларни ёқлаб овоз берган тақдирда сайланган деб ҳисобланади.

Турли сабаблар бўйича сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг ўрнига Марказий Қўмита ва Марказий Назорат Комиссиясининг янги аъзолари:

— тегишли комсомол ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органларининг кенгайтирилган пленумларида тўғридан-тўғри делегат кўрсатиш принципи (Марказий Қўмита ва Марказий Назорат Комиссияси таркибининг 80 фоизи);

— Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси амалдаги таркибларининг таклифи асосида (Марказий Қўмита ва Марказий Назорат Комиссияси таркибининг 20 фоизи) сайланадилар.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси аъзолари Марказий Қўмита ва Марказий Назорат Комиссияси таркибидан уни делегат қилиб кўрсатган комсомол ташкилотининг қарори асосида чақириб олиниши мумкин. Марказий сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларини чақириб олиш ва қайта сайлаш тўғрисидаги қарор тегишли комсомол қўмиталари аъзоларининг қатнашаётган кўпчилик очиқ ёки яширин (ёпиқ) овоз бериши билан қабул қилинади.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси аъзоларига делегат кўрсатган комсомол ташкилотларига ўз вакилларини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссиясининг янги сайланган аъзолари жумҳурият комсомол ташкилоти Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссияси пленумлари томонидан уларнинг ваколати тасдиқлангандан кейин кучга киради.

«Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг вазифалари ва ваколатлари тўғрисида»

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди ички иттифоқ турмушини янада демократиялаштириш, жумҳурият комсомол ташкилотлари барча бўғинлари фаолиятини кенгайтириш тарафдори ва шу мақсадда сайлаб қўйиладиган, фармойиш берадиган органлар ва улар аппаратларининг вазифалари ҳамда ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш зарур деб ҳисоблайди.

Шу муносабат билан съезд қарор қилади:

1. Ўзбекистон ЛКЁИнинг Ҳаракатномавий мақсадини рўёбга чиқариш, жумҳурият комсомол қўмиталари фаолиятини жумҳурият давлат ва жамоат ташкилотлари билан мувофиқлаштириш, комсомол органларининг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун съездлар орасидаги даврда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) Ўзбекистон ЛКЁИ съездларининг қарорлари бажарилишини таъминлаш ва ана шулар асосида съездлар ўртасидаги даврда комсомол фаолиятининг бош йўналишларини; ёшлар ҳаётининг муҳим масалалари юзасидан унинг сиёсатини белгилаб олиш;

Ана шу мақсадларда:

— умумкомсомол ва минтақалараро яхлит ҳаракатномалар ва тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни рўёбга чиқариш юзасидан комсомол ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ёшларнинг аниқ муаммолари юзасидан социологик ва илмий-тадқиқотлар ўтказиш;

— Ўзбекистон ЛКЁИ ривожланишини олдиндан белгилаш, ахборот-таҳлилий ишни амалга ошириш;

— комсомол ташкилотлари иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, уларга амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

б) Уставга риоя этишни, Ҳаракатномани амалга оширилишини назорат қилиш, комсомол ташкилотлари референдумларининг қарорлари бажарилишини таъминлаш;

в) давлат ҳокимияти органларида ва жамоат ташкилотларида Ўзбекистон ЛКЁИ вакиллигини таъминлаш;

г) қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқидан фойдаланишни рўёбга чиқариш;

д) комсомол марказий оммавий ахборот воситаларига раҳбарлик қилиш, комсомол нашрларининг Уставларини ва бош муҳаррирларини тасдиқлаш;

е) жумҳурият комсомол ташкилоти молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш, комсомол корхоналари ва хўжалик бўлинмаларига раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси даражасида шаклланувчи маблағларни тақсимлаш;

ж) хорижий ёшлар ташкилотлари билан алоқаларни амалга ошириш;

з) Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси, котиблари, комиссиялари, кенгашлари ва аппарати вазифаларини ҳамда ваколатларини белгилаш.

Шу вазифалар доирасида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ваколатлари белгиланади:

а) съезд, референдумлар қарорлари доирасида қарорлар қабул қилиш; шу жумладан, қуйи органлар бажариши мажбурий бўлган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

— съездолди барча тадбирлари ва акцияларини ўтказиш муддатлари ва тартибларини, Ўзбекистон ЛКЁИ съездига делегатлар сайлаш, референдумлар ўтказиш тартибини белгилаш;

— Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси даражасида шаклланувчи маблағларни тақсимлаш;

— Ўзбекистон ЛКЁИ бухгалтерия ҳисобини, комсомол ҳужжатлари, аъзолик ҳисоби бланкаларини беришни юритиш тартибларини, жумҳурият комсомол қўмиталарида иш юритиш, раҳбар комсомол органларида сайловлар ўтказиш тартибини белгилаб берувчи норматив ҳужжатларни қабул қилиш;

— қуйи органларнинг Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномасига зид бўлган қарорларини бекор қилиш ёки ана шу ташкилотлар органларининг ғоят камдан-кам ҳолларда йиғилишини чақириш;

б) съездлар ўртасидаги даврда Ўзбекистон ЛКЁИ номидан иш юритиш;

в) Марказий Қўмита аъзоларининг мақомини белгилаш;

г) Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси аъзолари таркибини қисман қайта сайлаш (янгилаш), вилоят комсомол ташкилотларидан сайланган Марказий Қўмита аъзолари ваколатини тасдиқлаш;

д) Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котибини қайта сайлаш;

е) Марказий Қўмита аъзолари орасидан фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси, комиссиялари, кенгашлари, ишчи гуруҳларини тузиш;

ё) Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котибларини, Бюро аъзоларини сайлаш ва қайта сайлаш, комиссиялар ва кенгашлар таркибига ўзгартиришлар киритиш;

ж) Ўзбекистон ЛКЁИ Устави қоидаларини тушунтириш ва изоҳлаб бериш.

ХАРИДОРЛАР ТАЛАБИНИ ЎРГАНИБ

Андижондаги «Коммунар» механика заводи режалаштирилганидан ташқари ярим миллион сўмликдан кўпроқ энг зарур молларни ишлаб чиқарди. Ўн бир ойлик иш якунлари шундай натижа билан тугади. Маҳсулот турлари хилма-хил: ток қайчилар, электр ёрдамида уқаловчи асбоблар, чопиш йўлларини белгилайдиган аравачалар, спорт машқлари ўтказиладиган қурилмалар ва бошқа кўплаб нарсалар бор.

Заводда махсус кенг истеъмол моллари цехи ташкил этилган, унда бешта ишлаб чиқариш бригадаси ишлайди. Корхона маҳсулот ишлаб чиқарибгина қолмай, уни ўз фирма дўкони орқали харидорларга сотади. Истеъмолчилар билан бундай «мулоқот» талабни ўргана бориб, ишлаб чиқаришни шунга мувофиқ равишда йўналтиришга ёрдам беряпти.

Янги йилда оммавий эҳтиёж моллари турларини кўпайтириш ҳисобига уларни ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қарор қилинди. Харидоргир бўлган металл эшикларнинг дастлабки туркуми тайёрланди. Яна бир янги маҳсулот — бир вақтнинг ўзида арралайдиган, рандалайдиган, тешадиган ажойиб дастгоҳ яратилди.

ЎЗИМИЗ ҚУРГАН УЙЛАРДА ЯШАЙМИЗ

Якка тартибда уй қурувчиларга бир тийин ҳам фойда олинмайдиган пул қарз берилади. Яъни ҳар бир кишига минг сўмдан пул берилади. Самарқанд вагон депоси меҳнат жамоаси кенгаши билан маъмурияти шундай қарор қабул қилди. Бу ерда 50 киши ер олди. Ажратилган маблағлар эса уларга ўз уйларини тезда қура бошлаш имконини берди. Ишхонадаги ўртоқлар уларга фақат пул билан ёрдам беришмади. Депода янги уйларнинг бўлажак эгаларига ромлар, эшиклар, бошқа дурадгорлик буюмлари тайёрлашга киришдилар.

Ер берилиши муносабати билан уй-жой олиш учун навбатда турганлар деярли камайиб кетди, лекин йўқолгани йўқ. Шу сабабли Самарқанд станцияси ёнида 24 хонадонли уйни қуришга тайёргарлик бошлаб юборилди.

Депода ўз ходимларини яқин вақт ичида уй-жой билан таъминлашнинг аниқ дастурига риоя этишмоқда.

(ЎзТАГ).

Комсомол: кеча, бугун, эртага

Ўзини ўзи янгиловчи куч

Комсомоллик... Бу ёшликнинг энг серзавқ давридир. Бироқ бу давр ҳар биримизнинг ҳаётимизда ёрқин из қолдираётирми? Нега комсомолнинг обрўси дарз кетмоқда? Бу саволларга жавоб бериш учун комсомол ҳаётига оид баъзи муаммолар ҳақида сўз юритмоқчиман.

Комсомолга қабул қилиш жараёнини олайлик. Комсомолга ўтишни хоҳлаган ўқувчи дастлаб мактаб комсомол қўмитасига ариза топширади, сўнгра ноҳия комсомол қўмитасида савол-жавоб билан комсомол сафига қабул қилинади.

Комсомол бўлишга тайёрланаётган бир ўқувчидан «Нега комсомол сафига ўтмоқчисиз?» деб сўрасак, у «Бошқалар ўтганидан кейин, мен ҳам ўтаман-да», деб жавоб қайтарди. Кўриб турибсизки, ўқувчи ҳеч нарса англаб етмай комсомол деган номга эришмоқчи. Бундай ўқувчилар мактабларда кўплаб учрайди. Шунинг учун мактабда ташкилот фаолиятини ўрганиш бўйича машғулотлар ўтказилиши, уларни илғор комсомол ходимлари олиб бориши зарур. Оқибатда ёшлар комсомол тушунчасига эга бўладилар, ўзларида сал бўлса-да масъулият ҳис этадилар.

«Пионерская правда» рўзномасида ёзилишича, ҳозир кашшофларнинг деярли 70 фоизи комсомолга ўтишни хоҳламаётган экан. Улардан бунинг сабаби сўралганда: «Комсомолдан нимани ҳам ўрганамиз, у қизиқарли ташкилот эмас», — деб жавоб берилган. Дарҳақиқат, комсомол ўқувчиларнинг қизиқишини, эътиборини жалб қилувчи қандай ишлар олиб бормоқда? Замонавийликка интилувчи ёшлар учун 1—2 соатгача чўзиладиган комсомол йиғилишида зерикиб қуруқ сафсата тинглашдан кўра, дискотека ва клубларда шўх хорижий мусиқалар тинглаб, рақс тушиш юз бора афзал, албатта.

Тарихга бир назар ташланг-а, БЛКЁИ қандай шарафли ишларни қилган. Зотан, ўша даврдаги шароит ҳозиргидан анча оғир эди. Бунга сабаб ишонч эди, у даврда комсомолга ишонилган... Йиллар ўтиши билан жамият тараққий этди, онг ривожланди, эски муносабатлар янги даврга мувофиқ келмай қолди. Комсомол ташкилотларига мустақиллик бериш, уларга ўз-ўзини бошқариш учун йўл очиб бериш гали келмадимикан? Токи у юқоридан кўрсатма кутиб, ана шу кўрсатмаларнинг қули бўлиб қолмасин.

Катталар! Ёшларга йўл очиб беринглар, улар ўзларини меҳнатда, изланишда синаб кўрсинлар, энг асосийси уларга ишонинглар. Шунда улар ҳам масъулиятни ҳис этиб, ишончни оқлашга интиладилар. Бошланғич комсомол қўмиталари ишлаб чиқариш ташкилотлари эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, уларга пул маблағлари (тадбирлар ўтказиши учун) ажратиш лозим.

Комсомол — ёшлар учун тузилган ташкилот. У ёшларнинг барча муаммоларини ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Агар имкони бўлса, унинг нуфузини қонун йўли билан мустаҳкамлаш зарур. Комсомолнинг мавқеини кўтармоқ учун сафларни ўстириш эмас, балки ёшлар муаммоларини ҳал қилишдаги жонбозлиги, қолипланмаган иш усулларини қўллаш зарур шартдир.

КПСС МҚнинг Бош котиби Михаил Сергеевич Горбачев «Комсомолни янгиловчи куч комсомолнинг ўзидир», — деб таъкидлаган. Комсомол учун биз қайғурмасак, ким қайғуради? Давр, келажак биздан шуни кутмоқда, бу ишончни оқлаш бизнинг асосий бурчимиздир.

Наргиза АЛИХОНОВА,
Андижон ноҳиясидаги 47-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Ёшлар ва иқтисод

ПУЛ ПУЛНИ ТОПАДИ

Яқинда ССЖИ Президенти имзо чеккан бу уч фармоннинг ҳали сиёҳи ям қуриб улгурмади. Аммо жамғарма банк ходимлари ташвишига яна бир ташвиш қўшилди. Ҳужжатларни қайта расмийлаштириш бошланди. Қўл-қўлга тегмайди.

Фармонга биноан фуқаролар, корхона, ташкилот, муассаса, ширкат, ҳуқуқий шахслар 1 ноябрдан бошлаб давлат ва жамғарма банкда қўйган пуллари учун икки-уч карра кўпроқ фойда олишлари мумкин.

Илгаригидек фармондан сўнг ҳам фуқаролар ўз жамғармаларини банкда уч хил турда сақлашлари мумкин. Улар қандай дейсизми?

Жамғарманинг биринчи тури. Исталган вақтда қайтариб олиш шарти билан пул қўйиш. Фармонда бу турдаги жамғарма шакли учун ўзгариш кўзда тутилмаган. Илгари ва фармондан сўнг ҳам банкдаги пулингиз икки фоиз фойда келтиради. Имкон борича, бу усулда пул сақламаганингиз яхши. Нафи кам.

Жамғарманинг иккинчи тури. Маълум бир муддатга, шартнома асосида қўйилади. Бу ерда анча ўзгариш бор. Яхши тушуниш учун мисол келтираман. Дейлик, сизда маълум муддатга ишлатилиши шарт бўлмаган пул бор. Масалан, ўн минг сўм. У қандай муддатда банкда сақланишига қараб турлича фойда келтиради. Қуйидаги жадвалга қаранг.

Пул сақлаш муддати	Олинадиган фойда нормаси. Фоиз ҳисобида %: Илгари	Фармондан сўнг	Ўн минг сўм келтирадиган фойда миқдори (сўм ҳисобида): Илгари	Фармондан сўнг
1. Бир йилдан уч йилгача	3 %	5 %	300	500
2. Уч йилдан беш йилгача	3 %	7 %	300	700
3. Беш йилдан ортиқ	3 %	9 %	300	900

Пулни қўйишда шартнома ва уни асраш муддатингизга алоҳида эътибор беринг. Агар шартномани уч йилга тузиб, беш йил ва ундан ортиқ — дейлик, 10 йил сақласангиз 2 минг сўм йўқотасиз (9000—7000).

Агар пулингиз келтирилган мисолдаги миқдордан фарқли бўлса ва уни банкда қўймасдан фойдани ҳисоблашни истасангиз, қуйидаги математик амални бажаринг. Пулингиз миқдорини у келтирадиган фойда миқдорига кўпайтириб, юзга бўлинг. Натижа пулингиз олиб келадиган фойда миқдори бўлади.

Жамғарманинг учинчи тури ютуқли. Лотерея ўйинига ўхшайди. Омади борлар бу тур жамғармасида уни синаб кўриши мумкин.

Пул билан пул топишнинг яна бир йўли бор. У учун сиз сертификат сотиб олишингиз шарт. Сертификат — қимматли қоғоз. Жамғарма банкларида бўлади. Уни ўн йил муддатга олсангиз, юқоридаги 10000 сўм яна шунча пулни етаклаб келади. Яъни ҳар йили 10 фоизга ортади. Илгари атиги 4 фоиз эди.

Яна бир нарса. Бурун тилла заёмлар 3 фоиз ҳисобида эди, энди эса 9 фоиз ҳисобида ўйналади. Ютуқ чиқади.

Юқоридаги янгиликлар фуқаролар жамғармасига тааллуқли эди. Энди ташкилот, корхона, ширкат, ҳуқуқий шахс ва бошқаларнинг пул жамғармаларида қандай ўзгаришлар бўлганини кўриб чиқамиз.

Аввал бошдан айтиб қўяй, бу ерда ҳам шартнома ва пул сақланиш мумкин бўлган муддатга алоҳида эътибор бериш зарур. Кейин афсусланиб юрманг.

Мисол келтираман. Дейлик, ташкилотингизда бир миллион сўм пулни банкда сақлаш мумкин. (Иккинчи жадвалга қаранг).

Пул сақлаш муддати	Асраладиган пул миқдори	Ҳар йили келтириладиган фойда: фоиз ҳисобида %	сўм ҳисобида
1. Олти ойгача	1 миллион	2 %	20 минг
2. Олти ойдан бир йилгача	— —	4 %	40 минг
3. Бир йилдан уч йилгача	— —	6 %	60 минг
4. Уч йилдан беш йилгача	— —	7 %	70 минг
5. Беш йилдан ортиқ	— —	8 %	80 минг.

Айни вақтда қарзга берилган пул учун тўлов бадаллари миқдори ҳам кескин оширилган. Бу қоидага биноан олган қарзингизни тўлиқ қайтарасиз. Устига-бустак пулни ишлатганингиз учун ҳам бадал тўлайсиз.

Пулни қарзга олиш муддатига қараб тўлов бадали турлича бўлади. Бундан уй-жой ширкатлари мустасно. Бўлди. Бошқа ҳуқуқий шахс, ташкилот, муассаса ва бошқалар бадал тўлайдилар.

Бурун бундай бадаллар номигагина эди. Музориба (кредитлар), қарзлар учун устама пул олинмас эди. Натижада бутун музориба ишлари қуюшқондан чиқиб кетган эди. Қарзга олувчилар пулни ўз вақтида қайтармаганликлари учун деярли моддий зарар кўрмас, ундан самарали фойдаланолмас, қарзга ботиб ётаверар эдилар. Охир оқибатда давлат ҳам ўзи берган қарздан воз кечиб юборарди. Бу эса айёрлик руҳиятини ривожлантирди. Иқтисодиётнинг бу — муҳим бўғини ишдан чиққан эди. Халқ пули тупроққа қориштириб ташланган, бўйнига оғир юк осилганди.

Қарзни бир йилгача муддатда олсангиз, унинг устига 6 фоиз устама пул билан қайтаришга мажбурсиз. Қарзни бир йилдан уч йилгача олсангиз — 8 фоиз, 3 йилдан 5 йилгача эса — 9 фоиз тўлов бадали тўлашингиз шарт. Узоқ муддатли қарз (беш йилдан ортиқ) чўнтакни янада кўпроқ кемиради. Ҳар йили 11 фоиздан бадал тўлайсиз. Бунинг бир томондан қулайлиги шуки, сиз ўзингизни шу кўйга солишдан қочасиз. Ўйлаб, дурустроқ ишлайсиз.

Юқоридаги қоидалар аввалambор 1990 йил 1 ноябрдан кейин қарз олиш юзасидан тузилган шартномаларга тааллуқли. Бироқ унгача берилган қарз юзасидан банклар қарз олувчилар билан 1991 йил 1 январигача янги қарз бадалларини ҳисобга олувчи шартномаларни қайтадан тузишлари лозим. У тузилганга қадар эски бадал тўлаш мезонлари сақланиб қолади.

Фуқаролар фармон кучга кирган кундан илгари қўйилган жамғармани қайтадан ҳужжатлаштирганлари моддий жиҳатдан маъқул. Шунда жамғарма нафи салмоқли бўлади. Акс, ҳолда, у эскича қолаверади. Шошилиш керак. Қайта ҳужжатлаштириш муддати чегараланган.

Ҳозир жумҳуриятимиз фуқароларининг 8 миллиард сўм пули жамғарма банкларида сақланади. Унинг 80 фоизи шаҳарлар ҳисобига тўғри келади. Қолган 20 фоизи эса қишлоқда. Қишлоқ аҳолисининг бир одати бор. Пулни кўрпа қатида, сандиқда, баъзан эса шиша банкада тупроқ остида асрайди. Бу пуллар ҳаракатсиз, ўлик. Яхшиси уларни банкда асранг. Шунда яна кўпроқ пул етаклаб келади.

Қолган икки фармон ҳам иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутади. Шулардан бири ССЖИда хориж инвестицияси ҳақидадир. Мақсади, хориж инвестициясини — капитал маблағи, пули, технология, техника, асбоб-ускуналарини иқтисодиётимизга жорий қилиш. Бу орқали чет элнинг илғор технологияси, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш тажрибасига эга бўлиш. Чалажон иқтисодиётимизни ҳаракатга келтиришдир.

Чет эл инвестицияси билан қуриладиган, яратиладиган ва ҳар хил хизмат кўрсатиш шакли турлича бўлиши мумкин. Хориж инвестицияси ва унинг эгалари (инвесторлар) ССЖИ ҳудудида фаолият кўрсатиш учун яхшигина имкон яратилган. Муштарак корхоналардан тортиб, ўзларининг 100 фоиз мулклари асосида ишлайдиган муассасалар яратишлари мумкин.

Бу юмушларни амалга оширишда Президентнинг учинчи фармонининг ўрни бўлакча. Унга мувофиқ шўро сўмининг хориж асъорига нисбатан тижорат мезони белгиланган.

Бу фармон асъор бозорининг эшикларини очади. Фақатгина шўро сўмида ишлайдиган корхоналар ҳам асъорга эга бўлишлари ва аксинча бўлиши мумкин. Хориж инвесторлари ССЖИ ҳудудида истаганча шўро сўмида фойда олишлари мумкин.

Шўро пулини хориж асъорлари билан алмашиш мезонини белгиланиши унинг бозорини ташкил қилиниши, айтиш мумкинки, иқтисодий ҳаётда катта бурилишдир. Шу пайтгача бундай қилинмас, шу сабаб сўмнинг қадри кун сайин пасайиб кетаётган эди. Юқорида қисқача шарҳланган Президент фармонларини ҳаётга қанча тез жорий қилсак, сўмнинг қадри шунча ошади. Ҳозир у нари борса, лотерея вазифасини бажаради. Омад ёр кишигина унга бирон мол сотиб олади. Акс ҳолда у қуруқ қоғозлигича қолаверади.

Фарҳод РУЗИЕВ,
«Ёш ленинчи» рўзномасининг иқтисодий масалалар бўйича шарҳловчиси.

Тасаввур қилинг, чўнтагингиздан ўн сўм пулингиз ерга тушди. Айтайлик, сиз бойвачча ҳам эмассиз. Ўн сўм сиз учун катта пул. Бу пул бирор эҳтиёжингизни қондириши ёки сиз бу пулга бирор жуфт қуён ёхуд товуқ сотиб олиб, уларни парваришласангиз, кўп ўтмай шу сарф қилган ўн сўмингиз юз сўмга айланиши мумкин. Бу сизнинг ақл-заковатингизга ва ишбилармонлигингизга боғлиқ. Бироқ сиз пулни ердан олмадингиз, тўғрироғи, олгингиз келмади, дейлик.

Кунлар ўтиб, у ёғин-сочинларда қолиб, ўз кўркини, пуллик қадрини йўқотади. Сиз эса лоқайдлигингиз, бефаҳмлигингиз оқибатида кўп нарсадан маҳрум бўлдингиз. Тўғрими?

Бугунги суҳбатимиз Тошкентнинг диққатга сазовор жойларидан бири — Халқлар дўстлиги майдонидаги асабга тегадиган нохуш манзаралар, шаҳар ҳуснига тушган қора доғлар ҳақида. Бир пайтлар давлат маблағлари ҳисобидан қилинган ҳотамтойликлар оқибатида халқимизнинг бир неча миллион сўмлари ҳозир сиз тушириб қўйган ўн сўмдек ёмғир сочилган жазирама офтоб-у, ёғин-сочинларда қолиб, йўқ бўлиб кетаяпти. Бу сарфланган миллионлар ҳозиргача бир неча юз миллионга айланиши керак эди. Минг афсуски... Бори ҳам йўқ бўлиб кетаяпти.

Кунларнинг бирида Халқлар дўстлиги саройи дахлизида туриб ташқарини томоша қилаётган амалдорлар, хаёлга чўмдилар: «Қизиқ. Коммунизмга яқинлашаяпмиз-у, Тошкентда тузукроқ фаввора билан емакхона бўлмаса? Бу ерга келган меҳмонлар билан саройдаги анжуманни ўтказа туриб, танаффус пайтида 20-30 метр баландликка мусиқа билан отиладиган рангли фаввора томоша қилсанг, очиқсанг фаввора ёнидаги бир кошонада овқатлансанг...» Бу — замоннинг кўзга кўринмас шиори эди. Эртасигаёқ бу фикрни амалга ошириш учун югур-югурлар бошланди. Ҳар нарсага шай турадиган архитекторларимиз «600 ўринли ҳамда яна 250 ўринли банкет залларидан иборат бўлган ресторан» билан «Рангли — мусиқали фаввора» лойиҳасини чизиб бердилар. Пойтахтда қурилажак бу энг катта емакхонага жарангдор ном изланди. Кўплар бош қотирди. Ниҳоят, ном ҳам топилди. Бу пайтда «Ўзбекистон — Шарқнинг машъали», дейиларди. Шарқ — бу Осиё. Демак, ресторанннинг номи ҳам «Осиё» бўлиши керак. «Осиё» ресторани учун давлат хазинасидан лойиҳачилар оғзининг бир четидан чиқиб кетадиган 5 миллион 550 минг сўм, фаввора учун эса 2 миллион 995 минг 600 сўм пул сарфлаш режалаштирилди.

Қурилишни бошлаш учун Халқлар дўстлиги майдони билан Беглар бегоқ даҳаси оралиғидаги юзлаб хонадонлар эгалари киндик қони тўкилган жойидан маҳрум бўлиб, кўп қаватли бетон уйларга кўчирила бошланди. Уларга янги бошпана қуриш, эскиларнинг ҳақини тўлаш учун ҳам давлат хазинасидан яна миллионлаб сўмлар сарфланди.

«Кошона»лар қурилишини Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг ишончли ташкилотларидан 11-баланд иморатлар қуриш трестининг 75-қурилиш бошқармасига, фавворани эса шу трестнинг 17-қурилиш бошқармаси қурувчиларига топширишди. Юмушлар жадал суръатлар билан бошлаб юборилди ва қисқа муддат ичида асосий қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Лекин кўп ўтмай бир маромда айланаётган ер шари ҳам бир силкингандай бўлди. Қайта қуриш бошланди... Ишлар чаппасига айлана бошлайди. Ресторан билан фаввора қурилиши ҳам ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Бироқ қурилишга маблағ ажратиб қўйилган, нима қилиб бўлса ҳам уни сарфлаш лозим эди. Нима қилиш керак? Кўпларнинг боши қотди. Бизда «ақлли» одамлар йўқ эмасми, йўли ҳам топилди. Ресторан лойиҳасига бироз ўзгартиш киритилиб, номи ҳам «Кунига 12 минг шартли таом ишлаб чиқарувчи умумий овқатланиш комбинати» деб ўзгартирилиб, Москвадаги мутасадди ташкилотлар тасдиғидан ўтказиб келинди. Қомус бўйича жумҳуриятимиз мустақил ҳисобланиб, ўз Герби ва Байроғига эга бўлса-да, ўртамиёна паррандахона қурса ҳам, бу ҳақда Москвани хабардор қилиб туриш одатий ҳол эди. Лекин «кошоналар» қурилиши ниҳоясига етмай, чалалигича қолиб кетди. Нега қолиб кетди? Сабаби, қайта қуриш шабадаси юзимиздаги сеҳрли пардани олиб ташлаб, ҳаётга реал кўз билан қарашга ундади. Ҳозирча бизга «эгнимизга зарбоб чопон ёпинтириб, аммо йиртиқ калиш билан юргазувчи» бундай «кошона»лар эмас, биринчи галда муҳтож оилаларни уй-жой билан таъминлаш, боғча, мактаб ва касалхоналар қуриш зарурлигини тушуниб етдик. Ҳукумат томонидан асосий маблағлар фақат уй-жойлар ва зарур объектларнигина қуриш учун сарфланиши кераклиги ҳақида қарор қабул қилинди. Мана олти-етти йилдирки, бу икки «муҳташам маскан» ташландиқ жойга айланиб, қаровсиз ётибди.

Қурилиш объектларини ички бир изтироб билан айланиб чиқдим. Таққосланг, катталиги Халқлар дўстлиги саройидан қолишмайдиган «Осиё» ресторани биноси эгаси кўчиб кетган уйдек

1

Кўпи битиб, ози қолдими?



ҳувиллаб ётибди. Бинонинг металл конструкциялари занглаб, рангини ўзгартирган, ташқи ойналар, ичкаридаги фойеда ўрнатилган девор ўрнини босувчи йирик сахли ойналарнинг кўплари синдирилган, охиригача ёпилмаган томдан қишда чакка ўтиб ётибди. Қурилиш майдончасини ўт-ўланлар босиб кетган. Бузилиб ётган дуплардан оқаётган сувдан ботқоқлик ҳосил бўлиб, қамиш ва ўтлар ўсиб чиқибди. Ресторан учун келтирилган ускуна ва жиҳозлар очиқ ҳавода занглаб ётибди. Озиқ-овқат учун мўлжалланган учта совутгич пачоқланиб, баъзи мурватлари олиб кетилибди. 60-70 ўринли вагон-ошхона ҳам қаровсиз аҳволда. Бошқа қурилиш майдончаларида эса қурувчилар тушлик пайтида овқатланиш учун ошхона излашади. Цемент сақланадиган темир қутилар, бетон қоришмаси солинадиган идишлар металломга айланибди. Асбоб-ускуналар сақлаш хонаси ёндириб юборилган. Бошқа қурилиш иншоотларида бундай нарсаларга катта эҳтиёж сезилган ҳолда бу ерда йирик ҳажмли темир қолиплари бетон деворга ёпишганча қолиб кетган. Бундан ортиқ хўжасизлик борми?

Фаввора қурилиши учун сахни 100x100 метрли, чуқурлиги 8—10 метр ер қазилиб, темир-бетон устунлар ўрнатилиб, устидан қулоч етмайдиган қувурлар ётқизилган, тепасидан эса плиталар қуйила бошланган ва шу ҳолда ташлаб кетилган. Бу қувурлар бўялмаганидан, занглаб, қорайиб кетибди. Қурилишга келтирилган темир-бетон конструкциялар тахланганча қолиб кетган. Тахламлар орасидан ўт-ўланлар ўсиб чиққан. Чуқурликда бир пайтлар қурувчилар оёғи остида топталмай, қолиб кетган ниҳоллар ўсиб дарахт бўлибди. Одамнинг миясигача зирқиратиб юборадиган кўнгилсиз манзара. Шу харобазорни бунёд этиш учун одамлар бу ердан кўчирилганмиди, деб ўйлаб қоласиз.

Фавворанинг нариги томонида XIX асрнинг нодир архитектура ёдгорлиги Абул-Қосим мадрасаси кўр тўкиб турибди. Бундай тарихий обидалар Тошкентда бармоқ билан санарли қолган. Бу ерларга кимларнинг қадами тегмади дейсиз. Биз билган, билмаган алломалар ўз саводларини чиқарганлар. Абдулла Қодирий 1914-16 йилларда шу ерда таҳсил кўрган. Ғулом Зафарий, Абдурауф Фитратлар учун қадрдон бўлган. Бу кўҳна бино уруш пайтида жумҳуриятимизга юборилган юзлаб оилаларни ўз бағрига олган. 1966 йилги зилзила вайронагарчилигига мардона бардош берган.

80-йилларда эса ўзларини атеистлар ҳисоблаган архитекторларимиз тузган шаҳарнинг бош режасида «Осиё» ресторани ва фаввора қурилиши муносабати билан Абул-Қосим мадрасаси бузиб ташланиши керак эди. Чунки бу ерларга обидаларимиз «дин ўчоғи» ҳисобланиб, коммунистик мафкурамизга «салбий» таъсир этиши мумкин эди-да.

Лекин ўша даврларда ҳамманинг ҳам юраги тош, қалби сўқир эмасди. Ўзбек миллий маданияти, унинг тарихий ёдгорликларига жони ачийдиганлар ҳам бор эди. Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш жамияти, шаҳарнинг фидойи зиёлилари, кўплаб одамлар бу телбанома лойиҳага қарши чиқдилар. Ниҳоят, шаҳар бош планига ўзгартишлар киритилиб, мадраса бузилишдан сақлаб қолинди.

2

Фаввора билан мадраса орасидаги масофа нари борса 5-6 метр келади, холос. Агар фаввора кўкка отилгудек бўлса тез орада мадраса деворлари захлаб, нурай бошлайди. Фавворани битказиш учун эса яна миллион сўмдан ортиқ маблағ керак бўлади. Бир ҳовуч бойваччаларнинг маишатхонасига айланадиган ресторанннинг бизга нима кераги бор? Ниҳоясига етказилмаган бу қурилишларга озроқ маблағ сарфлаб, уларни халққа кўпроқ фойдаси тегадиган бошқа бинога айлантириш мумкин эмасми?

Мен бу савол билан шу атрофдаги одамларга мурожаат қилдим: Раҳимжон ЖЎРАЕВ, 60 ёшда: — Ҳозир пенсияда:

— Тўрт йилдан бери мадраса ёнидаги қаровсиз ётган майдондан 25 сотих ерни ахлатлардан тозалаб, кичкина боғ бунёд этдим, — дейди Раҳимжон ота. — Лекин, ўғлим, анави қаровсиз жойларни кўриб ичим ачишади. Хориждан келган сайёҳлар мадраса билан ана шу хунук манзарани ҳам суратга олиб кетишади. Бир хижолат бўлиб кетаман. Қани энди кучқувват бўлса-ю, ўша ерларни ҳам обод қилиб юборсам. Бир парча ерга бўлса ҳам меҳнатим сингганига шукр қиламан. Бу ер фавворанинг ҳеч ҳам ўрни эмасди. Ҳозир ҳам кеч эмас. У ердаги қувурларни суғуриб олиб, бошқа жойларга ишлатиш керак. У ерда эса ҳаво алмаштиргич (вентиляция)лар ўрнатиб, йўқолиб бораётган мисгарлик, тақачилик, ўймакорлик каби устахоналар очиш керак.

Бетон плиталар тепасига анави дўппайиб турган тупроқни суриб, текислаб, гулзор қилиш керак. Шунда мадрасанинг олди ҳам кўрса кўз қувонгудек жойга айланарди.

Раҳим ота билан супада суҳбатлашиб ўтирарканмиз, мадрасани томоша қилгани бир гуруҳ сайёҳлар келишди. Улардан иккитаси бориб фаввора қурилишини томоша қила бошлашди. Бўйнига фотоаппарат осиб олган қўлида видеомагнитофон кўтарган хорижлик меҳмондан таржимон ёрдамида бу ёқимсиз манзара ҳақидаги фикрини сўрадим. Испаниянинг Лас—Пальмас шаҳридаги «С интер гласс» озиқ-овқат фирмасининг директори Виктор Аус ва рафиқаси Юлия Кентана бу жойлар салкам ўн йилдан бери шу аҳволда ётганини эшитиб, афсус билан бош чайқадилар:

— Испанлар буни ўзларига раво кўрмасдилар. Аллақачон тўполон кўтарардилар.

— Айтинг-чи, жаноб Виктор, агар шу ерлар сизнинг ихтиёрингизда бўлганда нима қилган бўлардингиз?

— Мен фавворанинг ўрнига болалар учун теннис майдончалари қуриб, атрофига гуллар эккан бўлардим. Фаввора бу ерда ҳеч қандай фойда бермайди. Уни кўп қаватли уйлар орасига қуриш керак. Ресторан эса менга ёқмади. Мен уни ёпиқ сув ҳавзаси ёки хоккей майдончасига айлантириб, ёнига кичикроқ қаҳвахона қурдирардим.

Хорижлик меҳмон билан хайрлашгач, бу ерлардан ҳар куни ўтиб турадиган йўловчиларнинг фикри билан қизиқдим:

Адиба ЖАББОРОВА, Халқ хўжалиги олий билимгоҳининг ассистенти, Камолон маҳалласида яшайди: — Бу жойларни кўриб кўнглим хира тортади. Агар фаввора бўлмас экан ўрнини боғ-роғ қилиш керак. Лекин уй-жой қурмаслик керак, чунки тарихий обидамиз уйларнинг орасида қолиб, ўз кўркини йўқотади. Ресторанни эса кутубхонага айлантириш лозим. Бу яқин орада Халқ хўжалиги олий билимгоҳи, Педагогика олий билимгоҳи ва бир нечта билим юртлари бор. Уларда ўн минглаб талабалар ўқийди. Аммо улар учун дурустроқ кутубхона йўқ.

Лариса БЕЛБОРОДОВА, Тошкент дорилфунунининг биринчи курс талабаси: — Ресторанннинг пастки қаватини сув ҳавзаси, юқори қаватини эса қаҳвахона қилинса, тузук. Фавворанинг ўрни гулзор бўлса...

Ботир РАСУЛОВ, ободонлаштириш бошқармасининг ишчиси: — Ресторанни ёшлар марказига айлантириш лозим, токи у ерга фақат бойваччаларгина кирадиган бўлмасин. У ерда ҳар хил тўгараклар ташкил этиш керак. Фавворанинг қувурларини ҳамда юк кўтармаётган устунларни олиб ташлаб, автомашиналар учун ер ости гаражи қилиш зарур. Устига тупроқ тўкиб, гулзор қилиш мумкин. Қаранг, яқин атрофда баланд иморатлар кўп. Машина эгалари эса уйлар олдидаги болалар майдончаларига гаражлар қуриб олишган.

Абдулазиз МУҲАММАДКАРИМОВ, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти Тошкент шаҳар кенгаши раисининг муовини: — Фаввора ёнидаги ўт-ўланлар босиб ётган ташландиқ майдон Ленин комсомоли номидаги боғ ихтиёрига ўтказилиб, обод қилиниши лозим эди. Минг афсус, ҳозиргача бу борада ҳеч бир иш қилинмади. Агар майдон истироҳат боғига қўшилса, нари борса 40 гектар ерни ташкил қиларкан. Наҳот шу ерларда яхшигина бир боғ барпо этиб, унга улуғ боболаримиз Алишер Навоий ёки Бобурнинг номини беришнинг иложи бўлмаса?

Учқур РАҲМЕДОВ, Ун қадоқлаш корхонасининг 1-цехи ходими: — Ўн икки йилдан бери шу ерда ишлайман. Ишчиларимиз тушлик пайтида, ишга бориб-келаётганларида бу аҳволни кўриб кўнгиллари ғаш бўлади. Баъзан қўл ишга бормай қолади. Бу ерда илгари одамлар яшарди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта эди. Жаннатмакон жойларни шу куйга солиб қўйиш биз мусулмон халқи учун уят. Халқнинг миллион сўмлари сарф бўлиб, охирига етказилмаган биноларни кўриб ачиниб кетасан киши. Наҳотки, бу ерларни тартибга келтиришнинг иложи йўқ?

Елена ЗАХАРОВА, — Ресторан қурилиши учун бош пудратчи ташкилот 75-қурилиш бошқармаси ишлаб чиқариш техникаси бўлимининг бошлиғи: — «Умумий овқатланиш комбинати»ни бошқа мақсадлар учун ишлатиш мумкин эмас. Чунки бинонинг конструкция ва жиҳозлари айни шундай иншоот учун мўлжалланган. Ҳозиргача у ерда 3 миллион 513 минг сўмлик иш бажарганмиз. Кўпи кетиб ози қолди. Тезроқ уни қуриб битказиш даркор. «Комбинат» бекор ётмасдан халққа ўз маҳсулотини бериши керак. Бирор қурилишни бошлаб қўйиб, ниҳоясига етказмаслик — бу жиноят. Тугалланмаган объектлар бошқаларга қараганда шаҳар иқтисодига кўпроқ зарар етказади. Бу ерда қурувчилар эмас, мутасадди ташкилотлар айбдор. Улар «қур» деса, қурамиз, бўлмаса, на илож. Буюртмачи ташкилот — жумҳурият Савдо вазирлиги 1990 йилги қурилиш режасига бу объектни киритмаган. Уларнинг режасида бўлмагач, маблағ ҳам ўтказмайди. Қурилиш эса ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, аросатда ётибди. Агар маблағ ажратилса, биз йил охиригача уни битказиб фойдаланишга топширишимиз мумкин.

Яқин ўтмишдан бизга кўп нарсалар мерос бўлиб қолди. Лоқайдлик, хўжасизлик, тепса-тебранмаслик, охирини ўйламай иш юритишлик каби иллатлардан ҳамон халос бўлолмаяпмиз. Қайта қуриш ҳар биримизни ўтмишдаги хатоларимизни яна бир бор ақл тарозусида ўлчаб, таҳлил этишга, йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этишга, халқ турмуш даражасини ошириш учун барча имкониятларни ишга солишга ундайди. Бирор ишга қўл уришдан аввал, унинг оқибати ҳақида мулоҳаза қилишга чорлайди. Дарахт экишдан мурод, унинг табиий гўзаллигидан завқ олиш, мевасидан баҳраманд бўлишдир. Ерга дарахт ўтқазмаслик — гуноҳ, дарахт ўтқазиб қўйиб, уни парвариш қилмаслик эса икки бор гуноҳ. Ҳозирда жумҳуриятимиз бўйича қақроқ ерга ниҳол ўтқазиб қўйиб, сўнгра ташлаб кетилгандек 5 миллиард 222 миллион сўмликдан зиёд тугалланмаган қурилиш иншоотлари мавжуд. Туя гўшти еган бундай қурилишлардан 1308 таси умуман ҳеч қандай режага киритилмаган. Улар орасида пойтахтимиз ҳуснидаги қора доғлар — ресторан-у, фавворалар бор. Булар бизнинг гуноҳларимиз. Бу қурилишлар қанча чўзилса, гуноҳларимиз шунча оғирлашади. Гуноҳга ботиш ҳам, аксинча, гуноҳдан фориғ бўлиш ҳам ўз қўлимизда.

Муҳиддин ОТАХОНОВ,
журналист.

3

4

Хориждан хабарлар

Солиқлар тўлашга рози

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС мухбири Сергей Кузнецов). Аксарият америкаликлар атроф-муҳитнинг яхшиланиши учун каттароқ солиқлар тўлашга рози. Янкелович хизмати «Тайм» ойномаси ва Си-Эн-Эн телекомпанияси учун ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билишнинг эълон қилинган натижалари шундан далолат бермоқда.

Сўраб билишдан маълум бўлишича, америкаликларнинг 94 фоизи атроф-муҳитни муҳофаза қилишни фавқулодда муҳим мақсад, деб ҳисобламоқда. Фикри сўралганларнинг 70 фоизи бу мақсадга эришиш йўлида ўзлари тўлаётган солиқларнинг йилига 200 доллар кўпайтирилишига рози бўлишга тайёр. Сўраб билишда иштирок этганларнинг тўртдан бир қисми шу мақсадда яна ҳам кўпроқ — 500 долларгача солиқ тўлашга рози бўлишди.

Тадқиқот натижаларига кўра, америкаликларнинг 64 фоизи шиша ва тунука идишларни қайта ишлаш учун мунтазам равишда топширади, 19 фоизи аҳён-аҳёнда шундай қилади ва 17 фоизи ҳеч қачон бундай иш қилмаган. Фикри сўралганларнинг ярми эски рўзномаларни қайта ишлаш учун мунтазам равишда топширади. Бироқ америкаликларнинг кўпчилиги — 64 фоизи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишига «кўпроқ ҳисса қўшишимиз керак эди», деб ҳисобламоқда.

(ТАСС).

Ривожланиш калити

СОФИЯ. (ТАСС мухбирлари Александр Степаненко ва Андрей Чупахин). Болгариядаги асосий сиёсий кучлар ўртасидаги музокараларда анча катта силжишга эришилди ва чоршанба кунига қадар мамлакатнинг янги ҳукумати тузилади, деб умид қилиш мумкин. Болгария жумҳуриятининг президенти Желю Желев ана шуларни таъкидлади.

Давлат бошлиғи Болгария телевидениеси мухбири билан суҳбатда сиёсий кучлар ўртасида сақланиб қолаётган ихтилофлар аввало Ички ишлар вазирлиги устидан назорат билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Унинг фикрича, бундай дейиш учун ҳеч қандай асос йўқ, чунки мазкур идоранинг аҳамияти ҳозир жуда ошириб юборилаяпти. Бу идора аллақачонлардан буён илгариги «ҳаммани даҳшатга солувчи, қудратли ва ҳар жойда ҳозиру-нозир давлат хавфсизлиги идораси» эмас. Живков режими қулаганидан сўнг ўтган давр ичида Болгарияда уюшган оппозиция, кўп партияли системаси, эркин матбуоти ва мустақил синдикатлари бўлган фуқаролар жамияти пайдо бўлди.

Ж. Желев мамлакат муаммоларини ҳал этиш йўллари тўғрисида гапириб, ҳозирги энг муҳим нарса иш ташлашлар, митинглар ва намойишлар эмаслигини таъкидлади. Улар хўжалик структурасини ва иқтисодий муносабатларни ўзгартиролмайди. Бундай ишларни амалга оширишга буюк халқ мажлиси даъват этилгандир. У янги ҳукумат хўжалик ислоҳотини амалга оширишга киришиши учун зарур бўлган муҳим қонунлар қабул қилиниши керак бўлади. Парламент — бу «мамлакатнинг ва бутун демократия жараёнининг янада ривожланиши учун калитдир».

Олға ҳаракат қиляпти

РИМ. (ТАСС мухбири Владимир Дрожжин). Зиддиятлар ҳамон ҳал этилмай қолаётганига қарамай, Оврўпо олға ҳаракат қиляпти, мустаҳкамланяпти, ўзининг кенгроқ ва чуқурроқ янгиланиши учун пойдевор қўймоқда. Оврўпо кенгашининг унга аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари даражасидаги сессияси амалий руҳда тугалланди. У янги йўллар очди ва эндиликда уларни тўла босиб ўтиш зарур.

Италия социалистик партиясининг сиёсий котиби Беттино Кракси Ғарбий Оврўподаги ўн икки мамлакатнинг бу ерда тугалланган нуфузли икки кунлик анжуманни якунларини ана шундай таърифлади.



Парижни забт этиш мумкинми! Москвалик талабалар буннинг учун зўр бериб уринишмоқда. Касб-корига онд бўлмаган кийим-кечак конструкторлари обрўли беллашув «Нина Риччи»да иккинчи маротаба 17 мамлакатдан келган вакиллар қаторида иштирок этишмоқда. Ўтган йили бу беллашувда совет вакилларидан 10 киши ҳал қилувчи босқичдан ўтган, уч модельер эса фирма совринига сазовор бўлган эди. Уччалови ҳам — А. Косигин номидаги Москва тўқимачилик олийгоҳи талабаси. Энди шулардан — Александра Днепровская ва Надежда Андрусяк яна Парижни забт этиш орзусида.

СУРАТДА: олийгоҳ талабалари кашф этган кийим-кечак моделларидан бири.

А. ШОГИН сурати. (ТАСС).

Фоизлар ва рақамлар тилга кирганда...

● 12 фоиз — компьютердан фойдаланадиган кишилар иш вақтининг шунча қисмини унинг хатоларини тузатиш учун сарфлайдилар.

● Америкалик корхона эгаси ишда ўзини кўрсатган ҳар бир энг яхши ишчи — ходимига унинг ишга бўлган муносабатини рағбатлантириш учун бир йилда 9000 доллар сарфлайди.

● Немис корхона эгаларининг 94 фоизи қўлида Оврўпо иқтисодий ҳамжамиятига кирувчи бошқа давлатлар фуқаролари меҳнат қилади. Англияда бу рақам 40 фоизни, Бельгияда 37, Францияда бор-йўғи 8 фоизни ташкил этади.

● Собиқ ОДЖ аҳолисининг 0,4 фоизи ҳафтасига камида бир бакал шампан виноси ичадилар.

● Ўртаҳол америкалик йилига 875 долларини гўзаллик салонида «қолдиради».

● Бу йил Аляскада 40 миллион дона лосос балиғи овланади. Бу — рекорд кўрсаткич қайд этилган ўтган йилдагидан 11 миллион дона кўп демакдир.

● Япония фуқароси дори сотиб олиш учун бир йилда 1668 доллар сарфлайди. Немислар иккинчи ўринда туришади. Улар шу мақсадда 1368 доллар сарфлашади.

● 1991 йил 1 мартдан бошлаб 4 руҳоний Мерседес—Бенц автомобили ишлаб чиқарувчи энг йирик корхоналардан биридан маош ола бошлайди. Бу ишлаб чиқариш ва Евангел черкови ўртасида кўприк солиш учун жамоага ёрдам кўрсатиш учун бир уриниш.

● Хитойда иш кўра бошлаган «Макдональдс» дастлабки икки соатда 4000 бигмак сотди. Яна уч соатдан кейин бир ҳафтага мўлжалланган бутун озиқ-овқат маҳсулоти тугади.

● Кейинги 9 йил ичида Англия маликаси Диана кийим-кечак учун 3,2 миллион немис маркаси сарфлади. У оқшомлари кийишга мўлжалланган 95 та кийим-кечак, 178 та костюм, 350 жуфт пойабзал, 200 та сумка ва 141 та шляпага эга.

● Москва метросига бир марта тушиш учун йўловчи (немис валютаси ҳисобида) 2 пфеннига тўлайди. Лондон метросининг фақат бир линиясида юриш йўловчи учун 100 марта қимматга — қарийб 2 маркага тушади.

● 1989 йилда Рио-де-Жанейрода 7654 та қотиллик рўйхатга олинган, бу беш йил илгаригига нисбатан икки марта кўп демак. Худди шу муддат ичида ўғирлик ҳолатлари 900 фоизга ортди.

(ИАН).

Ранг-баранг олам

Вице-президентнинг машинасини ўғирлаб кетишди

● ЭКВАДОРНИНГ йирик шаҳарларидан бири Гуаякилда кейинги пайтда автомобиль ўғирлиги жуда авж олиб кетди. Жабр кўрганларнинг кўпчилиги ўз машинаси рулига яна қайтадан ўтириш умидидан умуман бенасиб бўлмоқдалар.

Яқинда жабрланганлардан бири Эквадорнинг вице-президенти Луис Пароди бўлди.

Японияниннг «Мазда» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган вице-президентга тааллуқли автомашинани шаҳарнинг қоқ марказидан ўғирлаб кетишган.

Полициянинг қаттиқ қидирувига қарамасдан машина ҳалиям топилмаган.

Узундан-узун автомобиль

● АМЕРИКАЛИК дизайнчи ва ихтирочи Жей Орберг яратган автомобиль дунёда энг узун машина ҳисобланади. У «Феррари» маркали автомобиль бўлиб, узунлиги 9 метрни ташкил этади. 8 та ўриндиғи бор. У Штутгартдаги автосалон экспонатига қўйиш учун жўнатилган.

400 килограммлик шам

● ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Райнах шаҳарчасида яшовчи бир неча киши ҳамкорликда янги рекорд ўрнатишди. Улар янги йилга совға сифатида узунлиги 5,72 метр келадиган шам яратдилар. Шамнинг айланаси 30 сантиметрни ташкил қилиб, оғирлиги 400 килограммга тенг.


Чигиртка энг хушхўр таом

● ТАИЛАНДЛИКЛАР учун энг хушхўр таом қовурилган чигирткалардир. Лекин шундай бўлишига қарамай, улар мартдан октябрь ойигача ўз иштаҳаларини тийиб туришларига тўғри келади. Чунки бу ойларда чигирткалар дала ва боғларда учиб, зарар келтирганлиги сабабли уларга қарши заҳарли химикатлар ишлатилади. Шунинг учун уларни қовуриб ейиш бу ойларда ман қилинади.





«Алифбе»ни энди мен ҳеч қийналмай ўқийман





Нафиса опанинг наздида тун ҳаддан зиёд чўзилиб кетгандек туюлди. «Қанийди, тезроқ тонг ота қолса». Худди ўчакишгандек атроф зим-зиё. Яккам-дуккам юлдузлар ҳам осмонни тарк этишни истамаётгандек...

Опа ҳаяжонланаётган эди. Нега, ахир 25 йилдан буён болалар билан. Тағин, «чурвақа»лар денг. Ҳар гал шуларни ўйлайди-ю, лекин барибир эплолмайди, ҳаяжонланаверади.

Ўша тонгни энтикиб, орзиқиб қаршилаётганлардан бири Асалхон опа. У кишига ҳам бу «дард» аллақачон юққан. 17 йилдирки, болаларнинг орзу умиди билан яшайди.

Ота-онасининг қистовисиз, уларни ҳайрон қолдириб, ширин уйқудан воз кечган болакайлар 65 нафар. Бу пойтахтдаги бир илм даргоҳининг — 97-мактабнинг биринчи синф ўқувчилари холос. Вилоятда, қолаверса, жумҳуриятимизда қанча улар. Қаҳрамонларимиз «Алифбе» байрамига шошаётган эдилар.

Болаларни ким ёқтирмайди! Менингча, уларни севмайдиган, шодон қийқириғи-ю, ажаб саволларидан роҳатланмайдиган киши бўлмаса керак. «Алифбе» байрами лавҳаларини суратга олаяпману уларга бас келиш нечоғли мушкул эканлигини англаб қоламан. Меҳрибон мураббиялар эса уларнинг ҳаракатларидан завқланиб, ҳузур қилиб кузатадилар. Эртак қаҳрамонлари даврага файз бағишлайди. Сўнгра Алифбе ҳарфларига навбат етади. Кейин мусиқа чалинади, шеърлар ўқилади.

— Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам, — дейди 1-«Б» синф муаллимаси Нафиса Миролимова. — Дилфузани олайлик, у одобли. Нигора эса намунали, озода қиз. Умид билан Жавлон ҳам яхши. Уларнинг шўхлиги ҳам ўзига яраша. Бироқ машғулотларда фаол бўлишади. Жамшид билан Аброр ўйинқароқ. Уларга кўпроқ эътибор берилмаса бўлмайди...

Нафиса опа ҳар бир ўқувчи ҳақида батафсил маълумот бера олади. Исмларини ҳам адаштирмайди.

Шунда бир чеккада фарзандларининг ўйинларига маҳлиё бўлиб турган ота-оналарга нигоҳимиз тушади. Болаларидаги қувонч уларнинг ҳам юз-кўзларига аллақачон кўчган.

Муҳаммад АМИН.
МУАЛЛИФ сурати олган.



Акс-садо

«Барабашка» — бу руҳ эмас

Рўзномамизга, шу жумладан, ташвиқот бўлимига муштарийларимиздан ранг-баранг мавзуларда мактублар, ҳар хил саволлар, илтимослар келади. Фақат шугина эмас. Муаммоли, долзарб ва ҳозир ғайритабиий туюлган материаллар юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини қоғозга тушириб, таҳририятимизга йўллашлари уларнинг ёритилаётган ҳар бир материалга синчковлик билан муносабатда бўлаётганликларини билдирувчи олий мезондир.

* * *

«Агар Юнусободдаги хонадонга ҳар қандай номозхон онахон ёки отахонларни олиб борсак ҳам фойдаси бўлмайди, — деб ёзади СамДД физика куллиётининг бешинчи курс толиби **Фаҳриддин ЭРДОНОВ**. — Бу хонадондаги воқеалар «полтергейст» ҳодисасининг бир кўриниши. У ердаги сирли шарпалар руҳлар эмас, балки ер юзидаги ҳаётнинг бошқа кўринишидаги мавжудотлар бўлиши керак. Бу мавжудотларнинг кўзига ким яхши кўринса, унга яхшилик қилиб, ким ёмон кўринса, унга ёмонлик қилиб, уйларига ўт қўйиб, бор нарсаларини синдириб, ўйин қилса керак. Лекин бу мавжудотлар одамнинг оғзидан «буф» этиб чиқиб кетган руҳлар эмас.

Хўп, руҳлар бор дейлик, одам ўлганидан кейин қанот боғлаб осмону фалакка чиқиб кетса, бу қанотли руҳлар қаерга боради, мақсади нима? Жами яхши руҳлар осмону фалакка учиб кетаверса, биласизми нима бўлишини?

Одамзод пайдо бўлганидан бери руҳлар ана шу айтилган қонуниятга бўйсунса, ер юзи ёвуз руҳлар маконига айланиб кетган бўлур эди. Яна руҳлар танадан-танага кўчиб ўтса, уларнинг осмону фалакка учиб кетиши кимга керак? Ана кўрдингизми, бу назария ҳам боши берк кўчага келиб қолди. Бу назария одамларни қўрқитишдан бошқа нарсага ярамайди. Хўш, одамнинг жони оғзидан «буф» этиб чиқиб кетса, бўғиб ўлдирилган одамнинг жони қаердан чиқиб кетади? Бу билан нима демоқчиман? Биз бу сирли воқеаларнинг сабабини реал борлиқдан излашимиз керак. Ана ўшанда ҳақиқатга яқин бўлади».

Мана иккинчи мактуб. Унинг муаллифи Андижон шаҳри Боғишамол даҳасида яшовчи **Одина АБДУЛЛАЕВА**. У шундай ёзади:

«Авваламбор руҳлар билан алоқам бор, уларнинг тилини тушунаман. Уларни аниқ кўра билган экстрасенс ўша хонадонга ташриф буюриши керак ва қилаётган ишларини ўз кўзи билан кузатиб, мақсадини сўраб билиши керак.

Лекин ўша экстрасенс инсон ҳар томонлама пок, номозхон, художўй, виждони ҳам пок, халқни ўйлаган, ростгўй бўлиши керак. Шундагина у руҳлар билан тил топишиши мумкин. Келинчак ўта меҳрибон, номозхон, пок, ростгўй бўлиши керак».

Наманган вилояти, Задарё ноҳиясидаги «Гигант» жамоа хўжалиги, Қайрағочовул қишлоғидаги 22-уйда истиқомат қилувчи **А. ТУРҒУНОВ** ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган. Жумладан у мана шундай деб ёзади:

«Арвоҳни норози қилма, биринг икки бўлмайди, деган гапни отам кўп айтардилар. Чиндан ҳам руҳларни ранжитмаслик керак. Абадиятга кетган, яъни ўлган инсоннинг руҳи ҳафтанинг ҳар пайшанба куни савоб истаб, ўзи тарк этган хонадонга келади, дейишади.

Отам: «Арвоҳ яхши кунингда ҳам, ёмон кунингда ҳам, доим ҳозиру нозир», — деб уқтириб келганлар. Бу гапимнинг исботи учун ўзим гувоҳ бўлган бир-икки воқеани далил сифатида айтмоқчиман.

Мен ҳар йили меҳнат таътилимни ўзим якка саёҳатда ўтказаман. Худди шундай саёҳатда Хоразмда эдим. Сафаримнинг олтинчи куни тушдан кейин нимагадир кўнглимга қил ҳам сиғмай хафақон бўла бошладим. Бу хижилликни унутиш мақсадида янги ҳинд фильмини кўрмоқчи бўлдим. Бироқ кино ҳам кўнглимга сиғмади. Чиқиб кетдим. Меҳмонхонага бориб жойимга чўзилдим. Кўзим илинган экан. «Тур, уйга жўна тез!» — деган овоз билан ўрнимдан туриб кетдим. Хонада ёлғиз ўзим, эшикни ҳам илиб олганман. Бу ҳодисага ўзимча хафақонлигимдан, қаттиқ чарчаганлигимдан деб билдим. Бир неча кун яёв тарихий ёдгорликларни айланиб, чарчаб толганлигимнинг белгиси деб тушунган эдим. Хуллас, шу кеча ухлай олмадим.

Кўзим илиниши билан қулоғимнинг тагида «тезроқ уйга жўна, уйда акангнинг бошига кулфат тушди», деган овоз тинчлик бермади. Бу овоз аниқ марҳум отамнинг овози эканлигини ҳис қилдим. Тайёра орқали эртасигаёқ уйга етиб келсам, акамнинг катта ўғлини бир безори пичоқлаб ўлдирган экан. Иккинчи бир кун тушимда марҳум отам қовоғини солган ҳолда намоён бўлди. Мен ота нимадан ҳафасиз, деганимда ўғлим, «сен анча алғов-далғов бўладиганга ўхшайсан, — бир ғаламис сенинг устингдан қасддан туҳмат уюштирмоқчи бўлиб турибди», дедилару, кўзимдан ғойиб бўлдилар. Ҳақиқатдан ҳам роса етти кундан кейин қаттиқ туҳматга учрадим. Қизиғи шундаки, отамнинг бош туҳматчи исмини ҳам аниқ айтгани мени ҳайратга солди. Мен айтмоқчиманки, руҳлар бор нарсадир, улар бизга ўзларини аниқ намоён қиладилар, биз эса уларга кўп йиллар онгимиздан чиқариб ташлаган ишончсизлик ва сароб сифатида қараймиз».

Муштарийларимиздан Хоразм вилояти Гурлан ноҳиясининг «Янгиобод» давлат хўжалигидан Э. ЎТАГАНОВ, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридан Ш. МАРДОНОВ, Андижон шаҳридан З. АШУРОВ, Бекобод шаҳридан З. ТОИРОВА, Самарқанд вилояти Иштихон ноҳиясидан Ў. САДИҚОВ ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, мактуб йўллашган.

ЯНА ҚОН ТЎКИЛДИ...

Бу галги ишқибозлар жанжали арзимаган байроқ баҳона содир бўлди. Аргентина чемпионати иштирокчилари «Бока Жуниорс» ва «Сан-Лоренсо» командалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказишаётганди. Кимдир «Бока»га тегишли клуб байроғини меҳмонлар ўғирлашганлигини айтгач, мухлислар талвасага тушиб қолишди. Бу ҳам майли. Ўйин бошланди. «Сан-Лоренсо» олдинга чиқиб олгач, кейин тўсатдан тўполон бошланиб кетди. Майдон узра отилмаган нарса қолмади. Бир соатга яқин давом этган ур-йиқитни кучайтирилган полициячилар ёрдамидагина тўхтатиб қолишди. Бир киши ҳалок бўлди, ўнлаб жароҳат олганлар бор. 30 га яқин «ашаддий ишқибозлар» ушланди. Уларнинг аксарияти ўсмирлар...

ЮРАН «СПАРТАК»КА КЕТАДИМИ Ё?..

Йўқ, ишонгимиз келмаяпти. Бу ҳали миш-миш. Динамочилар учун шуниси етмай турувди. Демьяненко, Яремчук Олмонияга жўнаш арафасида, Бессонов, Чанов ва Баль аллақачон ўйнаётган Исроилни бир «кўриб келиш» баҳонасида, Рацни Туркияга чақиришяпти, Лужний ва Яковенко ҳам тузалиб олгач, ким билади...

Хуллас, Киев динамочилари бош тренери Анатолий Пузачнинг ташвиши бир дунё. Нима қилишга ҳайрон. Юран ҳақидаги узун-қулоқ гапларни эшитиб нима дейишни билмай қолди. «Бирон нарса дейишга ҳайронман. Юран ҳозир таътилда. Луганскка ота-онаси ёнига кетган», — деди у...

Луқма

САНЪАТ МУЗЕЙИДАГИ «САНЪАТ»

Эрон, Япония ва Хитой кўргазмалари келтирилганини эшитиб, Ўзбекистон ССЖ Давлат санъат музейига бордим. Пата олгач, тамадди қилиб олиш ниятида буфетга кирдим.

Бир стакан қаймоқ ва бир пакет қаймоқли сут олмоқчи эдим, лекин сотувчи бу маҳсулотлар музей хизматчилари учун келтирилган, буфет ҳам фақат уларга хизмат қилади, деб менга терс жавоб берди.

Кейин билсам, музей хизматчилари шанба ва якшанба кунлари ўзчилигини ташкил қилар экан. Борлари ҳам ҳар икки-уч бўлимга биттадан қоровул сифатида туришибди. Ҳай, майли, дея икки дона пирожки ва бир пиёла қаҳва сўрадим. Қайтимимни пештахта устига зарда билан тақиллатиб қўйди. Кўпчилик орасида жуда ҳижолат бўларкан киши.

Ниҳоят буфетдан чиқиб 2-3 дақиқача залдаги ўриндиққа ўтириб ўзимни чалғитдим. Ва яна қайта кирсам мендан кейин навбатда турганларга менга сотмаган «ноёб» маҳсулотларни бераётган экан. Уларни кўз олдида пул узатиб бир пакет қаймоқли сут олишга муяссар бўлдим, лекин муомаласи аввалгидек. Нима қилишимни билмадим. Бирон нарса десам... миллатчи деб айблашса.

Дарвоқе, бу «хушмуомала» аёл Шелаева Галина Викторовна экан. Қисқаси ҳайронман. Санъат музейидагиларнинг санъат ихлосмандларига кўрсатган «санъати»микан бу, Ё...

Бойназар
БОЙМУРОДОВ.
ТошДД толиби.

МАЙДА НАРСАЛАР ЭМАС

Тасодифан қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Чилонзорнинг 20-мавзесидаги катта ариқ бўйидан ўта туриб, кўзим ғалати бир эълонга тушди. Унда «Кимки ариққа ахлат ташласа, ўзи ахлатдек хор бўлсин. Маҳалла комитети» деб ёзиб қўйилган эди. Уни ўқиб кулиб қўйсак ҳам, унинг замирида ҳақиқат борлигига тан берасан киши. Муаммолардан бош айланиб қолаётган ҳозирги кунларда одамларга майда-чуйда нарсалар ҳақида гапириш ҳам ёқмайди. Лекин биз ана шу майда нарсалардан катта фалокатлар келиб чиқишини кўпинча унутиб қўйяпмиз.

Эски шаҳар ичидаги йўлдан ўтсангиз, уюм-уюм ахлатларга кўзингиз тушади. Буни фақат шаҳар коммунал хўжалик раҳбарларига юклайвермасдан (албатта, бу уларнинг вазифаси, қолаверса, бурчи) биз ўзимиз, ҳар биримиз бунга қарши курашишимиз зарурлигини ҳис этаман.

Ахир Ўзбекистондай жумҳурият пойтахти 2000 йиллик шаҳри азим Тошкент наҳот XX асрда, аста-секин ахлат ботқоғига бота бошласа.

Таклифларим: атрофни ифлослаётган одамлар учун жарима белгиланса. Тўғри, жарима билан ишни тўғрилаш қийин, лекин бу менимча одамларни атрофга бироз сергак боқишга ва бироз мулоҳаза қилишга чақиради.

Б. СОДИҚОВА.

Жиноят ва жазо

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАНЛАР...

Улар уч нафар. Бири 38, яна бири 30, энг кичиги борйўғи 25 баҳорни кўрганди. Аммо каттаси биринчи марта, қолган иккови эса иккинчи марта озодликдан маҳрум қилинди. Булар кимлар дейсизми?

Марс Кенжабоев, 1952 йилда туғилган, Тошкент вилояти Паркент ноҳиясидан. Жиноят содир этгунича ҳеч қаерда ишламаган. Владимир Мамеенко, 1960 йилда Брянск вилоятининг Погорский ноҳияси, Пласки посёлкасида туғилган. Шу йилнинг январь ойида Бекобод ноҳия халқ суди томонидан Ўзбекистон ССЖ Жиноят Кодексининг 114-моддаси 3-қисми билан айбланиб, уч йил озодликдан маҳрум этилган. Жазо муддатини халқ хўжалигининг қурилиш соҳасида ўташи керак эди...

Евгений Футерко, 1965 йилда туғилган, Львов вилоятининг Брод шаҳридан. Владимир билан биргаликда жиноят содир қилиб иккаласи ҳам бир хил муддатга ҳукм қилинган. Аммо...

Воқеа аслида бундай содир бўлган. Владимир билан Евгений иккаласи жазо муддатини ўташи керак бўлган жойга бориш ўрнига Марс билан танишиб, узоқ Қашқадарёга «сафар»га отланишади. (Мени ажаблантирадиган нарса: нега ҳукм эълон қилингач, иккала судланувчини бириктирилган жойга ҳеч ким қузатиб бормаган? Шунчалик ҳам ишонишганмиди?).

Уларнинг нияти пул топиш эди. Лекин қандай қилиб? Текинга ҳеч ким пул бермаса. Шунда бирининг хаёлига «ақлли» гап келиб қолди. «Мардикор бўлиб ишласакчи? Ҳар ҳолда ҳолироқ вилоят, ҳеч ким суриштириб ўтирмайди». Буни қарангки, мижоз ҳам тезда топилди. Чироқчи ноҳиясининг «Чорвадор» давлат хўжалигидан 7,5 гектар ерни ижарага олиб ишлаётган ака-ука Роман ва Виктор Лимлар ҳам «мардикор» излаб юришганди. Узоқ савдолашиб ўтирмадилар. «Бўпти ҳалол ишласанглар ҳар бирингга кунига 8 сўмдан бераман», деди Роман. Уларнинг орасида иккитасининг судланганини у бечора қаердан билсин? Бинойидек йигитлар, кўзига тоғни урса талқон қиладигандек бўлиб кўринганди-да.

Лекин йигитлар ҳам уч кун баҳоли қудрат ишлашди. Тўртинчи куни иш тугагач, Роман қўлбола ароқ топиб келиб, уларни вагончасига таклиф қилди. Бечоралар бир ҳордиқ чиқаришсин, чарчоғи ёзилади, деган ниятда. Виктор кўп ичмади. Меҳмондорчилик тугагач, мардикорлар ўзларига вақтинча бериб қўйилган бошқа вагончага ётиш учун чиқиб кетишди. Ака-ука ҳам дам олиш учун ётдилар. Соат 10лар чамаси. «Меҳмон»ларнинг бири қўлида пичоқ, иккаласи эшик олдида ака-укани уйғотишди. Кутилмаган «ташриф»дан даҳшатга тушган мезбонлар нима қилишларини билмай қолишди. Минг бақириб-чақиргани билан дод-войларини ҳеч ким эшитмайди. Тўрт томон очиқ, яқин атрофда ҳеч ким яшамайди ҳам. Босқинчилар анойи эмас. Бирдан арқон топиб келишди. Хўжайинларининг оёқ-қўлларини маҳкам боғлаб ташладилар. Сўнг кўзларига неки яхши нарса кўринса, ҳаммасини ўмара бошладилар. Қиматбаҳо телпак, икки жуфт япон курткаси, плашч, радиоприёмник, «Молния» чўнтак соати ва 317 сўм пулни олишиб, ташқарида турган «Нива»га юклашди. Роман талончиларга ялинди: «Ҳеч бўлмаганда машинамни қолдиринглар». Евгений уни тинчлантирди: «Хавотир олма, ноҳия марказигача чиқиб олайлик, кейин машинангни бозор ёнидаги «стоянка»га ташлаб кетамиз», деди...

Йўқ, хайрият «Самарқанд — Чироқчи» йўлининг «Ўмакай» ДАИ постида турган йўл назорати инспекторлари П. Диёров ва У. Эштўхтаевлар ҳушёрлик қилишди. Катта йўлдан у ёқ бу ёққа чайқалиб келаётган машина уларда шубҳа уйғотган эди. Шунингдек, ака-ука ҳам милицияга хабар қилишга улгуришган экан. Махсус тўсиқ туширилди. Машина рулида ўтирган ҳайдовчининг мастлигини кўриб қочиб кетаётган босқинчилар эканлиги инспекторларда энди шубҳа қолдирмади. Махсус гуруҳ ҳам тез орада етиб келди...

«Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас», деганларидек барибир бир марта тавба қилмаган одамнинг яна жиноят содир қилмаслигига сира кафолат бериб бўлмайди. Евгений билан Владимирнинг қандай қилиб Ўзбекистонга келиб қолгани ҳалиям мени қийнайди. Ахир ўз ташвишимиз етиб ортмайдими? Шундоқ ҳам ҳозирги кунда неча минг-минглаб дайдилар жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида изғиб юришибди. Ҳеч қачон ҳалол, меҳнаткаш одам ўзи туғилиб ўсган тупроқни, юртни ташлаб кетмайди. Ана шу дайдиларнинг қанчаси ашаддий ўғри, муттаҳам қотиллар эканини айтиб ўтирмайлик...

Ҳукм ўқилди. В. Мамеенко ва Ё. Футерко иккаласи ҳам Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 127-моддаси 2-қисми билан айбланиб, беш йил озодликдан маҳрум этилдилар. Бунинг устига уларнинг аввал қилган жиноятлари ҳам ҳисобга олиниб, яна бир йилдан қўшиб берилди. Марс Кенжабоев ҳам беш йил озодликдан маҳрум этилди...

Хуррам ЧОРИЕВ,
Чироқчи ноҳияси ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция майори.

ТВ

20 ДЕКАБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.25. Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Йигитча». Болалар учун фильм-концерт. 12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Баъзида эслаб қўй». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Медуза нимани эшитиб қолди?». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 19.00 «Бугун — Чекистлар куни». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Тилга эътибор...» 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.00 «Кўҳна созлар». Сурнай. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм премьераси. 1-қисм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Ҳақгўйликнинг аччиқ меваси». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 10.15 «Иллюзион-аттракцион». 10.35 «Ҳайвонот оламида». 11.35 Мультфильм. 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 Коллаж. 13.00 «Вақт». 13.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида.

* * *

17.15 «Кутилмаган ракурс». «Экология ва ДХҚ». 17.30 «Билим» жамиятида давра суҳбати. Иттифоқ шартномаси тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси. 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 «Вақт». 19.30 «Дўхтир Айболит». Мультфильм. 7-серия. 19.40 «Иттифоқ шартномаси — ҳамжиҳатликка йўл». 20.25 Долзарб интервью. 20.35 «Барча дарёлар оқади». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 П. Доминго, Л. Паваротти, Х. Каррерас иштирокида Римдан концерт. 23.55 «ТСН». 00.10 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида.

● МТ II

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15, 10.25 «Автопортрет». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 10.45 Табиатшунослик. 2-синф. Қиш келди. 9.55 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Биология. 8-синф. «Даҳшатли калтакесак» ва унинг авлодлари. 12.05 Рус тили. 13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Умидворлик билан кутаман». 2-серия. 14.10 Ритмик гимнастика.

* * *

18.15 **ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съездида.** 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кактус ҳақида эртак». 20.30 **ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съездида.** 21.30 «Вақт» (сурда таржимаси билан). 22.00 П. И. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр учун 3-ми бемоль мажор концерти. 22.20 Хоккей. «Известия» рўзномасининг соврини учун халқаро турнир. ЧСФЖ — Финляндия терма командалари. 3-давр. В. И. Ленин номидаги Марказий стадионнинг Спорт саройидан кўрсатилади. 23.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Биринчи Декретга постскриптум». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев). 23.55 Хоккей. «Известия» рўзномасининг соврини учун халқаро турнир. Канада — ССЖИ терма командалари. В. И. Ленин номидаги Марказий стадионнинг Спорт саройидан кўрсатилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28637.